БУГУН ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАРНИНГ ТОШКЕНТ САММИТИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАЙДИ

УНДА ШҲТГА АЪЗО ХИТОЙ, РОССИЯ, ҚОЗОҒИСТОН, ЎЗБЕКИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН, ТОЖИКИСТОН ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ИШТИРОК ЭТИШАДИ. АФҒОНИСТОН МУВАҚҚАТ МАЪМУРИЯТИ РАҲБАРИ ВА МЎҒУЛИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЭСА КУЗАТУВЧИ СИФАТИДА ҚАТНАШАДИЛАР.

Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

24 (339)

Iyun

D.		7	14	21	28
S.	1	8	15	22	29
Ch.	2	9	16	23	30
P.	3	10	17	24	
J.	4	11	18	25	
Sh.	5	12	19	26	
Y.	6	13	20	27	

2004

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

HAMKORLIK

ШҲТ НИМА ДЕГАНИ?

2001 йилнинг 14-15 июн кунлари Шанхайда олти давлат — Хитой, Россия, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган учрашувда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)ни тузиш тўғрисида келишилган эди. Саммит давомида қабул қилинган декларацияда Марказий Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, шунингдек, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий, таълим, энергетика, транспорт, экология ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш асосий мақсад сифатида белгилаб олинди. Иккинчи муҳим ҳужжат — терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги конвенцияда эса сепаратизм ва экстремизмнинг дунё миқёсида биринчи марта жиноий тартибда таъқиб қилиниши белгиланди.

ШҲТ ташкил топган дастлабки вақтларданоқ унинг иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш руҳи, юқори даражадаги ишонч ва ўзаро манфаатли қарорлар қабул қилишга эришиш қобилияти шакланди. Лекин, шу билан бирга, давлатларнинг ШҲТга бирлашиш жараёни учун ташқи таҳдидларнинг мавжудлиги, шунингдек дунёда глобаллашиш жараёнини бошидан кечираётган иқтисодий характердаги муаммолар ҳам муҳим рол ўйнади.

ШҲТга кирувчи давлатларнинг умумий майдони Евроосиёнинг 61 фоизини ташкил этади. Унинг демографик потенциали йиғиндиси — Ер шари аҳолисининг тўртдан бир қисмига тенг, иқтисодий қудрат жиҳатидан у АҚШдан кейинги ўринда туради. Расмий ишчи тиллари — рус ва хитой тилларидир. Штаб-квартираси Пекинда жойлашган.

ШҲТнинг рамзи сифатида ташкилот гербининг тасвири туширилган оқ рангли байроқ алоҳида ажралиб туради. Гербда икки томондан иккита лавр чамбари, ўртада ернинг шарқий қисмининг қуруқ ер рамзий тасвири, юқорида ва пастда хитой ҳамда рус тилларида — «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти» ёзувлари мавжуд.

2002 йилнинг 7 июнида Санкт-Петербург шаҳрида ШҲТ давлат раҳбарларининг иккинчи учрашуви бўлиб ўтди. Кенгайтирилган таркибда ўтказилган йиғилишда томонлар ШҲТ механизмларини шакллантириш масалалари, ШҲТ доирасида кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва янада ривожлантириш, шунингдек ҳозирги замон халқаро майдонидаги долзарб муаммоларни муҳокама қилишди.

Давлат бошлиқлари томонидан учта ҳужжат — ШҲТнинг хартияси, ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризмга қарши регионал тузилма тўғрисидаги келишуви ва ШҲТга аъзо давлат бошлиқларининг деклорацияси имзоланди.

Кейинчалик бошқа мамлакатларнинг ҳам ихтиёрий равишда ШҲТга қўшилишини эътиборга олган ҳолда олтилик давлатларининг узвий ҳамкорлиги орқали ҳудудий ҳамкорликнинг янги тизими шакллантирилди.

2003 йилнинг май ойида Москвада ШҲТ тарихида олий даражадаги учинчи учрашув бўлиб ўтди. Унда ШҲТ асосий органларининг ишлаш тартиби, бюджетини шакллантириш механизми ва бошқа органларнинг фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни белгилаб берувчи ҳужжатлар имзоланди. Ташкилотнинг герби ва байроғи қабул қилинди. Хитойнинг Россиядаги элчиси Чжан Дэгуан ШҲТнинг биринчи ижрочи котиби этиб сайланди. Кўпчилик сиёсатчиларнинг баҳо беришича, ШҲТнинг Москва саммитида ушбу ташкилотни ташкилий жиҳатдан шакллантириш ишлари якунига етди деб айтиш мумкин. Бу ушбу учрашувнинг якунида қабул қилинган сиёсий декларацияда ҳам қайд этилди.

ШҲТнинг асосий органлари

ШҲТ органларининг ишлаш тартиби 2003 йили бўлиб ўтган Москва саммитида аниқ белгилаб берилди. Унда ШҲТнинг барча органлари 2004 йилнинг январ ойидан тўлиқ иш бошлашига қарор қилинди. Бу вақтга қадар эса Пекинда штаб-квартиранинг қурилишини якунига етказиш ва аъзо давлатларнинг Пекиндаги элчихоналари томонидан котибият фаолиятини йўлга қўйиш хусусида олиб бораётган ишларни тугаллаш режалаштирилди.

(Давоми 5-бетда).

RESPUBLIKA BOSH PROKURATURASIDA

ИДОРАЛАРАРО КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

ЯҚИНДА Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Республика идоралараро кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни Бош прокурор ўринбосари А.Ҳолмахматов олиб борди.

Мажлисда Олий суд раиси ўринбосари, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирларининг биринчи ўринбосарлари, Бош прокуратуранинг тегишли бўлим ва бошқарма бошлиқлари, вилоят прокурорларининг ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ўринбосарлари, судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиқлари, васийлик ва ҳомийлик ишлари билан шуғулланувчи масъул ходимлар иштирок этдилар.

Йиғилишда фуқароларни муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқати чекланган деб топиш ҳақидаги фуқаролик ишлари бўйича суд-прокурор амалиётини умумлаштириш натижалари ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Бу ҳақда Бош прокуратуранинг бўлим бошлиғи И.Жасимовнинг ахбороти эшитилди.

Маърузада таъкидланганидек, Бош прокуратура томонидан фуқароларни муомалага лаёқатсиз деб топиш ёки муомала лаёқатини чеклаш ҳақидаги фуқаролик ишлари бўйича суд-прокурор амалиёти ўрганиб таҳлил қилинган. Аниқланишича, судларга спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик моддалари ва психотроп моддаларни суиистеъмол қилиши сабабли фуқаронинг муомала лаёқати чекланган деб топиш ҳақидаги аризалар йилдан йилга ортиб борган. Фуқаронинг руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида келиб тушаётган аризалар эса камайган.

Текшириш натижалари шуни кўрсатдики, мазкур тоифадаги ишлар судлар томонидан асосан тўғри, уларга хос хусусиятларни эътиборга олган ҳолда кўрилиб ҳал этилмоқда. Лекин, фуқароларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқ ҳамда манфаатлари билан бевосита боғлиқ бўлган мазкур тоифадаги ишларни кўришда кўплаб хатоларга йўл қўйилиб, шошма-шошарлик билан ноқонуний ва асоссиз қарорлар чиқарилган. Кўплаб фуқаролик ишларининг кўрилишида васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштироки таъминланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 174-моддасига кўра васийлик ва ҳомийлик туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади. Аммо, аксарият ҳолларда эса, судлар ўз ваколатларидан четга чиқиб, Оила кодексининг 174-моддаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Низомнинг тегишли бандлари талабларига зид равишда, ҳал қилув қарорлари билан муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан васий ёки ҳомий тайинлаганлар.

Оқибатда васий ёки ҳомий этиб тайинланаётган шахснинг Оила кодексининг 180-моддасида кўрсатиб ўтилган шахслар тоифасига кириши ёки кирмаслиги текширилмай, муомала лаёқатини йўқотган ва муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга васий ёки ҳомий тайинлаш масалалари туман ҳокимлиги томонидан кўриб чиқилмай қолинган ва амалда уларга васий ёки ҳомий тайинланмаган.

Текширишлар давомида бошқа бир қатор қонунбузилиш ҳоллари аниқланиб, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш чоралари кўрилган.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз)

Моҳият

Истасанг дунёда бахту саодат,
Айлагил қардошлар дийдорин одат.
Бу кўҳна оламда айлагил бунёд
Бир нарсаки, халқинг этсин сени ёд

Хисрав Дехлавий

ISLOHOTLAR YO`LIDAGI TO`SIQLAR

Фуқароларнинг турмуш шароитини ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш, мана шу жараёнда давлат ва фуқароларнинг қонуний манфаатини бирдай ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода Чилонзор туман прокуратураси томонидан уй-жой мулкдорлари ширкатларида «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунлар ижроси юзасидан текшириш ўтказилган эди.

ЗАМОН ТАЛАБИ

ЁХУД УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТИ ҚАНДАЙ ИШЛАЯПТИ?

Таҳлиллар ҳали бу йўналишда жуда кўп иш қилиниши зарурлигини кўрсатди. Ижобий ишлардан кўз юммаган ҳолда айтиш мумкинки, ишни ташкил этишда анча-мунча камчиликларга йўл қўйилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида туман бўйича ширкатлар билан боғлиқ 8 та жиноят иши, 5 та маъмурий иш қўзғатилганлиги ҳам сўзимизнинг исботи бўла олади.

Биргина мисол: тумандаги «Фидокор коммуналчи» ширкати раҳбари К.Рўзимов, бош ҳисобчи Л.Филиппова ва ҳисобчи-кассир И.Абдураҳмоновалар жиноий тил бириктириб, фуқаролардан коммунал тўлов ва фойдаланиш харажатлари учун йиғилган 10 млн. сўмдан ошиқ маблағни ўзлаштириб юборишган. Бу ҳам етмагандай, дебиторлик қарзини ундириш бўйича қонуний чора кўриш ўрнига қарзни камайтириб кўрсатишган. Ҳисоботлардан 7.524.900 сўмлик қарз олиб ташланган, оқибатда ширкат манфаатига катта миқдорда зарар етказилган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Текшириш натижаларини таҳлил этиш жараёнида айрим таклиф ва мулоҳазалар туғилди.

Ширкатларда бошқарув органлари раиси сайланган бўлиб, улар томонидан ширкат ишини олиб боришга ижрочи директорлар номигагина қабул қилинган. Барча ширкат раҳбарлари асосан собиқ ЖЭК ходимлари бўлиб, ишни замон талаби даражасида ташкил этиш ўрнига, ҳамон ўзлари ўрганган эски услубда ишлаб келмоқдалар.

«Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунга бошқарув органлари раҳбарларини коммунал, техник муҳандислардан сайлаш масаласини киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қонунга кўра бошқарув органлари мулкдорларнинг умумий мажлисида сайланиши керак. Вакиллар орқали бошқарув раисини сайлаш самара бермайди. Ваҳоланки, сайловлар демократик тартибнинг биринчи шартидир. Бунда, албатта, мажлис ўтказиладиган жойнинг йўқлиги, аҳолининг кўплиги каби муаммолар борлигини ҳам инобатга олиш керак. Ҳар бир ширкатга ўртача 15-20 тадан кўп қаватли уйнинг тўғри келиши ҳам уларни лозим даражада эксплуатация қилиш, фойдаланиш харажатларини йиғишда қийинчилик туғдиради. Шунингдек, ширкатларда фойдаланиш харажатларининг ҳар хиллиги аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Таҳлилларга кўра, агар ҳар бир ширкат ўртача 4-5 та кўп қаватли уйдан ташкил этилса, аҳолидан коммунал ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ундириш бир мунча енгил кечади. Масалан, «Дониёл уйи» ширкатида 4 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, аҳолидан тўловларни ўз вақтида ундиришга эришилган, ҳатто олдиндан тўловлар амалга оширилган. 50 та кўп қаватли уйни жамлаган «Муслима сервис» ширкатида эса дебиторлик қарзи 10.234.100 сўмни ташкил қилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Қонунга кўра жойлардаги бошқарув органлари томонидан ширкат фаолияти бўйича тафтиш ўтказилиши мумкин бўлса-да, лекин қонуннинг ушбу моддаси умуман ишламаган. Жойларда тафтиш комиссиялари тузиш ёки иложи бўлса туман миқёсида мустақил назорат инспекциясини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу вазифани туман ҳокимиятининг назорат инспекциясига юклаш ҳам мумкин. Шунингдек, ширкат ижрочи директорлари техник инженер маълумотига эга бўлса фойдадан холи бўлмайди.

М.ҚАҲҲОРОВ,
Чилонзор туман прокурорининг ўринбосари

OQIBATSIZ KISHILAR

ҚИРҚ ЙИЛЛИК ГИНА

Нурмаҳмад шаҳар марказидаги ошхоналарнинг бирига кирди. Қўлидаги овқатни кўтариб ҳолироқ стол яқинлашиб, тамадди қилаётган Раҳим Набиевга дуч келиб қолди. Ноилож сўрашган бўлса-да, ичичидан қиринди ўтаётганини сездирмади. Айни шу топда кўнглида бундан қирқ йил аввал кўр олган адоват ёлқинлана бошлади. Ўн олти ёшида ит ҳамласидан жароҳат олган Нурмаҳмад оқсоқ бўлиб қолган эди. Буни худодан эмас, айнан Раҳим дўхтирнинг киндикдан берган уколидан кўрарди.

Бир қарорга келган Нурмаҳмад ясама табассум қилди:

— Бизникига борсангиз, бир меҳмон бўлиб қайтардингиз.

Пенсионер Раҳим Ғаниевнинг кўнгли бу илтифотдан яйраб кетди.

— Ўша куркалардан сўясизми, деймана?

— Бўлмаса-чи, фақат сиз вақтини айтсангиз бас.

Белгиланган фурсатда умрига якун ясалиши Раҳим отанинг етти ухлаб тушига кирмаганди...

Тўкин дастурхон ёзилган кичикроқ хонада кўним топишди. Улбулдан тотиниб, оч юракка икки пиёладан ароқ ичишгач, мезбон «овқатдан хабар олгани» чиқди. У бунга астойдил тайёрланган эди. Даҳлизнинг бурчагига келтириб қўйилган болтани қўлига олган мезбон очиқ эшикдан мўралади. Меҳмон ёстиққа ёнбошлаб бепарво чой ҳўпларди. «Сенинг жойинг бу ёруғ дунёда эмас, муттаҳам!». Нурмаҳмад оёқ учида юриб, болтанинг орқа томони билан меҳмоннинг қоқ миясини нишонга олди. Кутилмаган зарб Раҳим отани ҳушидан айирди. Шу ҳолатда нақ пешона, энса ва чаккасига кетма-кет зарба тушди. Лаҳза ўтмай дастурхон, тўшак, ҳужра деворларигача қизил қонга беланди...

Н.Мўйсинов қилмишидан саросимага тушмади. Аксинча, кўнглининг бир чеккаси ёришгандай бўлди. Мурдани молхона тўридаги хилватга олиб келиб устидан лаш-лушларни ташлаб қўйди. Нурмаҳмад тонг ғира-ширасида аравага ортилган мурдани Тайлоқ қўрғонидаги қабристон томон хуфёна йўллар билан олиб кетди. Р.Ғаниевни излаётган ИИБ ходимлари ва қавм-қариндошлар хўрланган жасадни Мозорариқ тубидан топдилар...

Қилмишига иқрор бўлган Н.Мўйсинов ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «в», «ж» бандлари билан айбдор деб топилиб, йигирма йилга озодликдан маҳрум этилди.

Ўйламай босдим тиканни, тортадурман жабрини деганлари шу эмасмикин? Жаҳл устида хулосага келишдан ўзни тияйлик, азизлар.

Салим ТИЛОВОВ,
Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи

NAZORAT

ИШ ҲАҚИ ТЎЛАШНИ УНУТМАНГ

Ҳар бир жамиятда умумий бир мезон бор — меҳнат қилган киши иш ҳақи олиши шарт. Бироқ амалда аҳвол қандай?

Термиз туман прокуратураси томонидан ушбу масала юзасидан қатор текширишлар ўтказилди. Аниқланишича, корхона ва ташкилотларда бу борада жиддий қонунбузилишларга йўл қўйилмоқда. Хусусан, «Янгиариқ» ширкат хўжалигининг иш ҳақи бўйича қарздорлиги 26 миллион сўм эканлиги аён бўлди. Хўжалик бошқаруви раиси А.Ҳайдаров ва бош ҳисобчининг эса парвойи палак. Шу сабабли уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг тегишли моддалари билан иш қўзғатилди.

«Дўстлик», «Халқобод» ва «Гулбаҳор» ширкат хўжаликларида ҳамда туман машина-трактор паркида ҳам аҳвол шундай. Шу йилнинг биринчи чораги якунига кўра ИТПнинг иш ҳақидан қарздорлиги 7 миллион сўмни ташкил этган. Шу боисдан жамоа раҳбари У.Шоназаров, бош ҳисобчи Ш.Шомуродовга нисбатан тегишли чора кўрилди.

Иш ҳақини ўз вақтида олиш ҳар бир ишчи ва хизматчининг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқидир. Бу қонун талабини бузишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

А.АБДУЛЛАЕВ,
Термиз туман прокурорининг ёрдамчиси

LOQAYDLIK QURBONI

Фарғонадаги саноат касб-ҳунар коллежининг талабаси бўлмиш Самаднинг кўнглида бир дунё орзулари бор эди. Аммо онаизорининг қалбини аламу армонга тўлдириб кетди.

ТОНГДА ОТИЛГАН ЎҚ...

Ўша куни у онасининг хонасига кириб чироқни ўчирмоқчи бўлганди. Мўътабар ая «қўявер, болам, намоз вақти бўлди, сен ҳам ўқишга борасан» деб кўнмади. Салгина кўзи илингандек бўлувдики, ўғлининг «аяжон» деган ингроқ тўла овози эшитилди-да, ўрнидан туриб қизи Шаҳноза билан нариги хонага отилиб кирди. Не кўз билан кўрсинки, жигаргўшаси ранги оқариб, қорнидан қон оқаётган ҳолда ётар, ёнида эса ов милтиғи... Онасининг нега бундай қилдиг деган саволига Самад «гуноҳларим кўп, ойижон» деб жавоб берди. Дарду дунёси қоронғи бўлган оила аъзолари уни Фарғона вилоят шифохонасига олиб боришди, афсуски, Самаднинг юлдузи сўнган эди. Ўз қўллари ила «Отажон, онажон, мени кечиринглар, мендан рози бўлинглар. Алвидо» деган мактубни у қоғозга эмас, ота-онасининг қалбига тирнаб ёзиб қолдиргандек...

Мавҳум ҳолатга ойдинлик киритиш учун сўралганида Самаднинг биров билан учрашмаганлиги, ўқиш ва яшаш жойида ҳурмати жойида эканлиги, ҳар куни ўқишга кетаётганини айтиб чиқиб кетиши, унинг коллежга бормай қўйганини билмасликларини айтишди.

Мана сизга фожеанинг аянчли нуқтаси. Уни жонига қасд қилишга ким, нима мажбур қилди? Коллеж маъмурияти талабаларнинг ҳаётига, уларнинг ички кечинмаларига шу қадар бефарқмиди? Ота-она-чи?

Таълим-тарбия жараёнининг мўртлиги, талаба ва ўқитувчилар, ота-она ва фарзанд ўртасида узвий меҳр риштасининг боғланмаганлиги ёддан чиқмас қора хотираларни ҳаёт китобига битиб қолдирди.

И.АБДУҲАКИМОВ,
Фарғона туман прокуратурасининг терговчиси

OGOHLIK – DAVR TALABI

ЖАҲАННАМГА ЙЎЛ

Аввалига бомдодни ўқиб юрди. Сўнг намоз ўқишга қизиқиши яна ҳам ортди. Беш вақт намоз ўқишга ўтди. Тақдир Отабекка дуч келди.

— Қаерда турибсиз?

— «Пахтазор»да, 59-уй, 27-хонадон.

— Намоз ўқийсизми?

— Ўқийман.

— Мусулмончилик устунлари нима?

— Намоз, ҳаж, рўза... Яна... Эсимдан чиқибди.

— Устоз кўрмагансиз-да, — кулди у масхараомуз. — Ўзим ўргатаман.

Орадан кўп ўтмай улар белгиланган жойда учрашишди.

— Мен сизга бир нима олиб келдим, — деди Отабек ва унга «Ислом низоми» деган китобни тутқазди. — Ўқиб чиқинг, ўзим имтиҳон қиламан. Бир ҳафта муҳлат. Абдусатторникида учрашамиз, кечикманг.

Абдусатторникида «Ислом низоми»дан сабоқ олишди. Фикри ўйини ҳаётдан йироқ ҳавойи ғоялар эгаллай бошлади. Шуҳрат Отабекнинг саволларига бурро-бурро жавоб берадиган бўлди.

— Анча мулла бўлиб қолибсиз, энди қасамёд қабул қилсангиз, тамом-вассалом. Зеҳнингиз ўткир экан. Иқтидорингизга балли!

Шуҳрат қасамёд қабул қилди.

Қасам юрагини, онгини заҳарлаб, унинг эрку иродасини занжирбанд этган эди.

— О, баракалла, энди ҳизбнинг ҳақиқий аъзоси бўлдингиз. Бошқаларни ҳам «Ҳизбут-таҳрир»га даъват этсангиз ғоят савоб иш қилган бўласиз, — деди Отабек «Қуръон» ўқиётгандек қироат билан, — нажот топгайсиз.

Кўп ўтмай Отабек қўлга тушди ва қамалиб кетди. Шунда Шуҳратни ҳам чақириб огоҳлантиришди ва тушунтириш хати олишди.

Бундай одамдан ҳамма безор. Шуҳрат одамларнинг кўзига ёмон кўриниб қолди. Ишдан бўшатилди.

Ҳовлисига разм солди. «Ўх-ҳў, ҳамма жой вайрон бўлиб кетибдику. Мулла бўламан деб бундоқ уйга ҳам қарамабман», — дея истаристамас қўлига кетмон олди.

Лой қилиб турганда бир киши ёнига келди. Ўзини Салим деб таништирди.

— Сиз ҳизбнинг фаолларидан экансиз, ташлаб қўйибсиз. Жаннатдан юз ўгирманг. Гуноҳ эмасми? Бу қарорингиздан қайтинг.

— Ўйлаб кўраман.

— Ўйлаб кўринг, яхшилаб ўйлаб кўринг.

У кетди. Бир неча кундан кейин кўчаларга «Ҳизбут-таҳрир» варақаларини тарқатишди. Кимнидир орган ходимлари ушлаб кетибди. Шуҳратнинг юрагига ғулғула тушди. Уйидагиларга ҳам айтмай қочиб қолди. Кўп қаватли уйларнинг томларида яшаб юрди. Энди нима қилсин? Ўзини томдан ташлаб юборсинми?

Тубанлик ўз қаърига чорлаётгандек эди. Йўқ-йўқ. Юраги орқага тортиб кетди.

Оч қолди. Пастга тушди. Қаерга боришини билмай юрганида яна Салим дуч келди.

— Эҳ-эҳ, чатоқ бўлибди-да, — деди раҳми келгандай. — Сиз бундай ўзингизни қийнаманг. Юринг, овқатланамиз.

У мазза қилиб овқат еди. Аччиқ-аччиқ чой ичди. Шу тобда Салим нима деса ҳаммасига тайёр эди. Улар ҳар жума учрашиб туришга келишишди. Бу орада қочиб юрган ҳизбчилар яна тўплана бошлашди. Янги-янги одамлар келиб қўшилди. Турли лақабли кишилар.

— Мана сизга пакет, 25 дона варақа. Нима қилишни биласизми? — деди «Билол» дегани.

— Биламан, — деди Шуҳрат.

— Сиз «Механизатор» маҳаллага тарқатасиз.

— Хўп бўлади, — деди у.

Аввал 25, сўнг 50, кейин эса 500 талаб варақа тарқатди. Унинг хизматини дурустгина тақдирлашди. Мана энди у нақиб ёрдамчиси. Ҳадемай «нақиб» бўлади, сўнг «масъул». Халифалик ўрнатишса-ку катта мартаба тайин.

Унинг орзулари узоққа чўзилмади. Шуҳратнинг жиноий фаолиятига чек қўйилди.

Шуҳрат Нуров Ўзбекистоннинг амалдаги давлат тузумини конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга очиқдан-очиқ даъват қилиб, шундай мазмундаги варақаларни тарқатганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди.

У панжара ортида ҳам онаизорининг ноласига қулоқ солмади. Йўлидан қайтмаслигини қайсарлик билан такрорлади. Пайғамбаримизнинг «Жаннат оналарнинг оёғи остидадир» деган ҳадислари ҳам юрагидан йироқ эди. Бу йўл ҳидоят эмас, залолат, жаҳаннам йўли эканлигини, афсуски, англамади.

Довуд МАҲДИЙ



Mulohaza

JINOYATNING DEBOCHASI

Бундан бир ойча бурун Қарши шаҳрида бўлганимда «Тонг» меҳмонхонаси ёнидаги бозорчанинг олти-етти жойида собиқ СССР вақтида чиқарилган яп-янги меҳнат дафтарчаларининг ҳар бири 1400-1600 сўмдан сотувга қўйилганлигини кўрдим.

Хўш, йўқ бўлиб кетганига ўн уч йил бўлаётган давлатнинг герби туширилган ҳужжат ҳозир кимга ва нима учун керак?

Меҳнат кодексининг 81-моддасида кўрсатилишича, иш берувчи томон, агар ходим шу корхонада беш кундан ортиқ ишласа, унга меҳнат дафтарчасини юритиши шарт деган сўзларга урғу берадиган бўлсак, бу норма асосан ишга кирган вақтида меҳнат стажига эга бўлмаган, яъни биринчи марта ишга кираётганларни назарда тутганини англаш мумкин.

Аввалдан меҳнат дафтарчаси борларга уни янгидан тутиш зарурати йўқ, фақат ёзув битиб қўйилса бас...

Ўзбекистоннинг янги, миллий нусхадаги меҳнат дафтарчаси бўла туриб, қайси корхона қайси ходимни янгидан ишга олганда собиқ Иттифоқнинг меҳнат дафтарчасини тутади? Ҳеч қайси. Демак, эски нусхадаги, ҳали тўлдирилмаган дафтарчалар қайсидир нопок ватандошимизга унинг меҳнат стажи ҳақида бирор сохта маълумотга эга бўлиш учунгина керак бўлиши мумкин.

Амалдаги ЖКнинг 25-моддасига кўра, юқорида айтилган меҳнат дафтарчаларини сақлаш, сотиш, сотиб олиш сохта ҳужжат тайёрлашга (ЖКнинг 228-моддасида кўзда тутилган жиноят) уриниш деб баҳоланиши керак.

Фикримча, биз Ватанимизнинг турли жойларида шу каби шубҳали дафтарчаларни сотишга имкон яратиб бериш билан келгусида содир этилиши мумкин бўлган жиноятларга йўл очиб бераётгандекмиз.

Abduqahhor MUTALOV,
huquqshunos.
Toshkent shahri

Javob

DA'VO ARIZASI KIRITILGAN

Сирдарё вилоят прокуратураси фуқаро К.Бозорбоевнинг Сирдарё туманидаги «Соғишмон» фермер хўжалиги раҳбари А.Ҳасановнинг ноқонуний ҳаракатлари ҳақида таҳририятга ёзган аризасини ўрганиб чиқди.

Аниқланишича, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 январ кунги қарори ижросини таъминлаш борасида Сирдарё туман ҳокимининг 2003 йил 13 февралдаги 265-қарори билан «Соҳил» ширкат хўжалиги негизида фермер хўжаликлари ташкил этилиши лойҳалаштирилган ва ерга эгалик ҳуқуқи маҳаллий ҳокимиятга ўтган. Бироқ 2003 йил 19 феврал кунги 300-қарор билан «Соғишмон» фермер хўжалигига «Соҳил» ширкат хўжалиги худудидан қўшимча равишда ажратилган 27,2 гектар ернинг ижара шартномаси икки томонлама имзоланмаган ва ҳозирга қадар рўйхатга олинмаган. Шунга қарамай, туман ҳокимининг 2003 йил 10 мартдаги 441- ва 442-қарорлари билан «Соғишмон» фермер хўжалиги 12 гектар ерда ғалла ва 11,6 гектар ерда пахта етиштириши лозим бўлса-да, ҳақиқатда 6 гектарга пахта, 33 гектарга шоли ва 5 гектарга полиз экинлари эккан, лекин туман статистика бўлимига 11,6 гектар ерга пахта, 12 гектар ерга буғдой экилгани тўғрисида сохта ҳисобот топширган.

Бундан ташқари, «Соғишмон» фермер хўжалигига қўшимча ер ажратишда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалиги барпо этиш учун талабгорларни танлаш ва уларнинг танловини ўтказиш тартиби»га риоя қилинмагани маълум бўлди.

«Товжон» фермер хўжалигига «Соғишмон» фермер хўжалиги етказган 5.916.000 сўмлик зарарни ундириш юзасидан вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилган.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан Сирдарё туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди. Туман ҳокимининг 2003 йил 19 февралдаги 300-қарорини бекор қилиш тўғрисида хўжалик судига даъво аризаси киритилиб, текшириш натижалари ҳақида ариза муаллифига жавоб юборилди.

T.SAGATOV,
Sirdaryo viloyat prokurorining o'rinbosari

Shikoyat

O'Z JOYIMGA EGALIK QILOLMAYAPMAN

Ушбу хатни Олот тумани «Гулистон» жамоа хўжалигидан йўллаяпман. Турмуш ўртоғим Эркин ака билан 4 нафар фарзандни тарбиялаяпмиз. Учтаси мактабда, биттаси институтда ўқийди. Ҳаммасига уй-жой қилишимиз керак. Бош режага асосан биз яшаб турган ҳовлига Қурбонов деган кишининг эски ҳовлиси, у кишига қарашли бўлган ноқонуний жой бизга тушиб қолди. Лекин у жойни олишга Қурбонов қаршилик кўрсатгач, ҳокимга ариза билан мурожаат қилдим. Ҳокимият тайинлаган комиссия келишув далолатномасига асосан бу жой бизга қонуний тегишли эканлигини кўрсатди. Бу кишига бошқа жойдан ер берилиши айтилди. Бироқ ўрганиб чиқилганда унинг эҳтиёжидан жойи ортиқча эканлиги маълум бўлди. Шунинг учун хўжалик унга ер беришни рад этди. Мен ўзимга керакли бўлган қонуний жойга эгалик қила олмаётганим учун туман судига мурожаат қилдим. Суд аризамни қаноатлантирди. Шунга қарамай Қурбонов жойни бериш ўрнига тезда қўшнимиз Жумаев Аҳмад билан тил бириктириб, қўшимча қурилиш қилди. Ижрочи суд қарорини ижро қилишга келганда менга ер берса суд қарорини бажараман деб шарт қўйди. Ижрочининг аралашуви билан хўжалик ҳисобидан 10 сотих ер олди, аммо сўзида турмай менга қарашли ерни А.Жумаевга ноқонуний равишда топшириб кетди. Мен яна судга мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Суд яна аризамни қаноатлантириб қарор чиқарди. 2002 йил январ ойининг 14-кунидан бери А.Жумаев уни бажармай келаяпти. Кейин Бухоро вилоят адлия бошқармасига арз қилдик. Адлия бошқармаси суд ижрочисига, суд ижрочиси якка тартибда уй-жой қуриш бошқармаси бошлиги С.Бекниёзова учрашимизни айтди. С.Бекниёзова учрашсак у киши ўзининг ташкилоти томонидан берилган ҳуқуқий ҳужжатни тан олмади. Кейин турмуш ўртоғим туман ҳокимига учрашди. У киши сен ҳақ бўлсанг ҳаммасини судга бер дебди. Мен неча марта судга мурожаат қилиб, қонуний бўлган жойимга эгалик қила олмаяпман.

Ҳурматли таҳририят! 2000 йилдан бери ووراи сарсон бўлиб, учрашмаган раҳбарим қолмади. Ҳеч бир натижа бўлмагач, сизлардан нажот истаб ариза ёзаяпман. Бузилган ҳуқуқимни тиклашга ёрдам берасиз деган умиддаман.

Muyassar UMIROVA,
Olot tumani «Guliston» jamoa xo'jaligi

Madadtalab maktub

HAQIMIZNI BERISHMAYAPTI

Бизлар 2002 йили Хатирчи туман «Қўқсарой» ширкат хўжалигида шартнома асосида буғдой экдик. Шартномага асосан режадагидан ошиқча маҳсулот бизга юз фоиз берилиши керак эди. Лекин раҳбарлар шартномага амал қилмай қирқ-эллик фоиз атрофида беришди.

Биз фуқаролик судига шикоят қилдик. Суд талабимиз қонуний эканлигини тан олиб, бизнинг фойдамизга қарор чиқарди. Аммо туман ижрочилари уни бажаролмай келмоқда. Биз 2003 йил ҳосилидан узар деб кутдик, ундан ҳам беришмади.

Туман ҳокимига бир неча бор шикоят қилдик. 2003 йил ноябр, декабр, 2004 йил феврал, март ойларида бизга мой келса мой берамиз деган ваъдадан нарига ўтмади. Ҳозирги вақтда ҳам натижа йўқ.

Туман прокурорига шикоят қилдик. У киши бу ишда ёрдам бериш қўлидан келмаслигини айтиб, суд ижрочиларига борингдар деди.

Сизлардан илтимос, бизга тегишли ғалла ёки унинг пулини ундириб олишда ёрдам берсангиз.

Komil O'RQOV,
Aziz RAHMONOV.
Jami 8 imzo

KEYINGI YIG'ILISHDA KO'RIB CHIQILADI

Шеробод тумани Тўпор қишлоғида яшовчи Пардахол Ярашеванинг В.Қодиров номли ширкат хўжалиги раиси Т.Самадовга фермер хўжалиги учун ер ажратиб беришни сўраб мурожаат қилса-да, ер бермаётганлиги ҳақида таҳририятга ёзган аризаси туман прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.

1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига асосан ширкат хўжалиги ерларини фермер хўжалигига ажратиб бериш умумий йиғилиш муҳокамасига киритилади. В.Қодиров номли ширкат хўжалигининг умумий йиғилиши 2004 йил 23 феврал куни ўтказилган бўлиб, шикоятчи ширкат хўжалиги раисига фермер хўжалиги учун ер беришни сўраб 18 март куни мурожаат қилган. П.Ярашеванинг ер ажратиб бериш ҳақидаги аризасини ширкат хўжалигининг ер бўйича комиссия ўрганиб чиққач, у танлов асосида хўжаликнинг навбатдаги умумий йиғилишида кўриб чиқилади.

B.ERGASHEV,
Sherobod tuman prokurori

Gazetxon ilhomi

KO'KSIMA HIJRON O'QIN...

Кўксима ҳижрон ўқин
отдинг манга, ҳайронаман,
Ишқ йўлинда иштиёқинг
бирла кўйингда ёнаман.

Кўнглима кишан солиб
абгор этибсан ҳолатим,
Хастае бўлган дилим
бу кун, нетай, абгораман.

Минг аламлар келтириб
ўртади озоринг сенинг,
Изтироблар ичра ёнган
жисми хор, ғамхонаман.

Дилкушо, кел, бирғина
хуш суҳбатингдан баҳра эт,
Чунки мен ишқ заҳмидин
тушкун дили вайронаман.

Эҳтиёжли севгининг
ҳижронларидан қўрқмадим,
Жон агар сўрсанг сенга
жон бахш этур жононаман.

Лобаринг армон аро
тутмиш қўлида юз қалам,
Чун қалам битмишки сўз
ҳажринг билан дугонаман.

Lobar MIRZAALIYEVA,
O'zMU jurnalistika fakulteti 1-kurs talabasi

Munosabat

MUALLIMLAR NEGA MAKTABDAN KETISHMOQDA?

Бугунги кунда умумтаълим мактабларининг моддий базаси қандай? Нега эркак ўқитувчилар ўқув даргоҳларини аста-секин тарк этишмоқда? Президентимизнинг «2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишида мактабларнинг моддий-техник базасининг ҳозирги ҳолатини батафсил ўрганиб чиқиш масаласи қўйилди. Демак, юқорида тилга олинган муаммо ҳақида дангал таклифларни айтиш пайти келди.

Гапнинг сирасини айтганда, айни пайтда кўпгина умумтаълим мактабларининг моддий базаси анча заифлашиб қолган. Уларнинг аксариятини таъмирлаш зарур. Жумладан, Хива туманида 57 мактаб бўлиб, махсус ишчи гуруҳи текширганида унинг 20 тасини капитал реконструкциялаш, қолганларини таъмирлаш зарурлиги аниқланди. Кўпчилик ўқув даргоҳларида парта ва стол-стуллар эскириб қолган, уларни ҳатто таъмирлашнинг ҳам иложи йўқ. Битта мисол: туманда жойлашган 4-мактабга охирги марта парта келтирилганига чорак асрдан ошди. Ана энди хулосани ўзингиз чиқаверинг.

Юқоридаги фармойишнинг 30-бандида педагогларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, мактабларни олий маълумотли кадрлар билан таъминлаш даражасини танқидий таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги кўрсатилган. Фурсатдан фойдаланиб, бу борадаги ҳақиқий ҳолатга тўхталамиз. Туманда 3664 нафар ўқитувчи бўлиб, уларнинг 1662 нафаригина олий маълумотли. Чунки кейинги пайтларда жуда кўп тажрибали муаллимлар мактабларни тарк этишди. Кўпгина олий маълумотли мутахассислар пенсияга чиқиб кетишди. Уларнинг ўрнини ким тўлдиради?

Институтларда ўқиётган талабалар диплом олганидан кейин ўқитувчига тўланаётган маошга ишга келадими? Ёки улар ҳам мутахассислиги бўйича иш бошламасидан ўзларини тадбиркорликка уриб кетишадими?

Аввало, айтиш жоизки, оилада вужудга келадиган иқтисодий муаммоларни эркак киши ҳал қилади. Оилада ота ўрни бўлакча бўлганидек, мактабда эркак ўқитувчининг ўрни катта. Ўқувчиларни тартиб-қоидага бўйсундиришда эркак муаллимлар қаттиққўл ва талабчандир. Бу билан аёл ўқитувчиларнинг қадр-қимматини камситмоқчи эмасмиз.

Ўқитувчилар, айниқса, эркак ўқитувчиларнинг мактабдан кетаётганини ёки номига икки кунга 5-10 соат дарс олиб қўйиб, тадбиркорлик қилаётганининг боиси нимада? Айрим матбуот нашрларида эркак ўқитувчиларнинг мактабдан кетиб қолиш сабаблари бошқачароқ талқин қилинмоқда. Шу боис юқоридаги фармойишнинг 3-бандида ўқитувчилар меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантиришга, айниқса, уларнинг қишлоқ мактабларида муқим жойлашиб қолиши масаласига алоҳида эътибор қаратилсин дейилган. Шу ишлар тўлиқ амалга ошса эркак ўқитувчилар мактабга қайтса ажаб эмас.

Berdi JUMANIYOZOV,
«Xiva tongi» gazetasi muxbiri

Қонун ижроси билан кучли

Нақд пул айланишини мўътадиллаштириш мақсадида ҳукуматимиз турли чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Банклар нақд пул билан таъминланса, пенсионерлар ва бюджетдан маош олувчиларнинг талаби қондирилиши тайин. Бироқ тижорат соҳаси ва банк тизимидаги айрим нопок кимсаларнинг айби билан нақд пул масаласида муаммолар пайдо бўлаяпти. Улар лавозимларидан фойдаланиб ташкилотлар ҳисобидаги маблағларни нақдлаштиришнинг янгидан-янги усулини ўйлаб топмоқдалар.

«АРЗОН МАШИНА КЕРАКМИ?»

ЁКИ «ЎЗДЭУАВТО» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ДИЛЕРЛАРИНИНГ АНТИҚА КАШФИЁТЛАРИ ХУСУСИДА

Республикадаги барча савдо нуқталарида назорат-касса машиналари ўрнатиш, ҳар бир сотилган молга чек берилишини таъминлаш ҳақида бонг урилаётган бир пайтда «ЎзДЭУавто»қўшма корхонасининг расмий дилерлари маҳсулотни сотиш бўйича мисли кўрилмаган «муваффақият»га эришдилар. Аниқроғи, улар ҳисобдаги пулни нақдга айлантиришнинг антиқа йўлини ихтиро қилишмоқда. Бу йўл содда ва ихчамлиги билан ҳар қандай одамни ўзига тортиши табиий. Шу боис бу «кашфиёт» сўнгги бир-икки йил ичида республикамизда фаолият кўрсатаётган машина бозорлари ва «ЎзДЭУавто» корхонаси маҳсулотларини сотувчи дилерлик марказларининг деярли барчасини қамраб олди. Натижада миллионлаб эмас, миллиардлаб нақд сўмлар давлат банкига келиб тушмайдиган бўлиб қолди. Аксинча бу пул учар дилер ва нопок банкирларнинг чўнтакларини тўлдира бошлади. Бу билан мамлакат иқтисодиётига жуда катта зарар етказилди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК департаменти ходимлари ана шу «антиқа кашфиёт»га барҳам беришга эришдилар. Хўш, бу «ихтиро» нимадан иборат эди ва у нимаси билан кишиларни ўзига тортарди?

Очиғи, бозорга чиққан ҳар қандай харидор сифатли молни арзонроқ олишга интилади. Бу табиий, албатта. Шу жиҳатдан машина харид қилиш ниятида юрган кишиларга ҳам «Эй оғайни, «ЎзДЭУавто»нинг ҳоҳлаган маркадаги машинасини сизга 10 фоиз арзонга олиб берамиз» дейишса, бирортаси йўқ демаса керак. Кашфиёт ихтирочилари ҳам худди шу таклиф билан машина бозорларини кезишган, таниш-билишчилик қилиб харидор топишган. Харидордан эса паспорт олиниб, олдиндан келишиб қўйилган банкдан омонат дафтарчаси ҳисобига пул ўтказилади. Қарабсизки, харидор келиб тушган пулни автомобиль учун ўтказиб, чўнтагидаги машина қийматининг 90 фоизига тенг нақд пулни учар дилерларга санаб беради. Бундан харидор ҳам хурсанд, «кашфиёт» ихтирочилари ҳам.

Энди ҳисоб рақамларидаги маблағни нақдлаштиришда кеча-кундуз жонбозлик кўрсатган ташкилот ва уларнинг раҳбарлари, расмий-норасмий дилерлари ҳақида тўхталсак. «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси 2004 йилнинг 1 январигача республикамиз ҳудудида мулкчилик шаклидан қатъи назар 65 та дилерга эга бўлган. Ўтган йил мобайнида ана шу дилерлар орқали 117,8 млрд. сўмлик автомобиль сотилган. Бироқ банкларга ўша сумманинг бор-йўғи 23 фоизи, яъни атиги 27,1 млрд. сўм нақд пул келиб тушган, холос.

Қолган 72,9 фоиз маблағни эса юридик шахс, хусусий тадбиркор ва банк кредити ҳисобидан ўтказилган суммалар ташкил этади. Юқорида айтганимиздек, фуқароларнинг омонат дафтарчаларидан автомобиллар учун 33,2 млрд. сўм ёки умумий сумманинг 28 фоизи ўтказилган. Аниқроғи, 74 та банк, 41 та дилер ҳамда бир қатор хусусий тадбиркорлар тил бириктириб, 3800 дан ортиқ машина учун харидорлардан йиғиб олинган 30 млрд. сўмдан ортиқ нақд пулни банкдан ташқарида айлантириб, жиноятга қўл урганлар.

Департамент ходимлари томонидан бугунгача 60 дан ортиқ шундай жиноий гуруҳ фош этилди. Уларга 2,7 млрд. сўм қўшимча солиқ ва жарима солиниб, ундирилмоқда. Бироқ бу масалани таҳлил этиш ва текшириш давомида яна бир ачинарли ҳолатга дуч келинди. Кўпгина юридик шахс ва хусусий тадбиркорлар «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси дилерларидан машиналарни банкдан пул ўтказиш йўли билан ёки кредит пластик карточкаларидаги маблағ ҳисобига харид қилиб, кейин уларни нақд пулга сотиш билан мунтазам шуғулланиб келишган экан. Энг асосийси, ўша пуллар банкка топширилмаган. Хуллас, «ЎзДЭУавто» маҳсулотларини сотиш эвазига ҳисоб рақамидаги маблағни нақд пулга айлантиришда «фаоллик кўрсатган» ташкилотлар сўнгги икки йил ичида ёмғирдан кейинги қўзиқоринлар кўпайиб, мамлакатимиз иқтисодиётини заҳарлаб келган экан. Ушбу жиноятга республикамиздаги қатор банкларнинг нопок раҳбарлар-ю, ходимлари ҳам бош қўшганлар. Агар шундай бўлмаганда «ЎзДЭУавто»нинг Бухоро вилоятидаги дилери «Интермиллениум» МЧЖ ходимлари 2003 йил давомида 284 та машина учун фуқаролардан 2,34 млрд. сўм нақд пул йиғиб олмаган бўларди. Худди шундай тадбирларни вилоятдаги «Шафран Уфқ», «Авто-НТДМ», «Уюравто», «Авто-Арсенал» каби хусусий фирма раҳбарлари ҳам қойилмақом қилиб амалга оширишган. Афсуски, бундай мисолларни Самарқанд, Андижон, Фарғона вилоятларидан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Шунинг оқибатида мамлакат банк тизимларида нақд пул тақчиллиги келиб чиқмоқда. Кўпгина жойларда пенсия ва маошларни ўз вақтида тўлашда қийинчиликлар юзага келаяпти.

Бирники мингга, мингники туманга деб шунга айтадилар.

Гулчеҳра РАЗЗОҚОВА,
Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК департаменти матбуот гуруҳи катта инспектори

ҚАРОР ИЖРОСИ АМАЛДА

Қашқадарё вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бошқармаси ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банкдан таш- қари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижроси юзасидан ўтказган текширишларда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 3.884.290.000 сўм ноқонуний нақд пул айланмаси амалга оширилганлиги аниқланди. Натижада солиқ идоралари томонидан бюджетга 306.327.000 сўм жарима ҳисобланди ҳамда топширилмай келинаётган 30.014.000 сўм нақд пулнинг банкларга топширилишига эришилди.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ноқонуний нақд пул айланмасига йўл қўйган 40 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, 30 та жиноий иш, 10 та маъмурий иш қўзғатилди.

Қаршидаги «Рун-Бибе» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси текширилганда корхона раҳбари Н.Волков 2003 йил декабрда давлат рўйхатидан ўтиб, қалбаки рухсатнома билан 530.580.000 сўмлик улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириб, бу ҳақда солиқ инспекциясига ҳеч қандай ҳисобот тақдим қилмаган. Бюджетга тўлаши лозим бўлган 9.061.000 сўмлик солиқ ва бош- қа тўловларни тўламаган.

Қаршидаги «Соф-бизнес» хусусий фирмаси раҳбари Ли Платон ҳам 875.312.000 сўмлик озиқ-овқатни сотиб, тушган пулни назорат-касса машинасига кирим қилмаган ҳамда банкка топширмаган. Пенсия ва йўл жамғармасига тўланиши лозим бўлган 14.053.000 сўм мажбурий тўловларни маҳаллий бюджетга тўламай келган. Ушбу ҳолатлар юзасидан ҳуқуқбузарларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, валюта савдоси билан ноқонуний шуғулланувчиларни аниқлаш мақсадида ўтказилган тадбирларнинг бирида Қарши шаҳрида яшовчи С.Ҳусанов фуқаро К.Маллаевга қонунга хилоф равишда 1000 АҚШ долларини 1.020.000 сўмга сотаётганни аниқланиб, ундан хорижий валюта ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

2004 йил 7 январ куни ўтказилган тадбирда Қарши туман «Пахтабанк»нинг валюта алмаштириш шахобчаси хазинабони Л.Шаропова 600 АҚШ долларини ноқонуний равишда Х.Ҳасанованинг паспортига расмийлаштириб, фуқаро Р.Элмуродовга 600.000 сўмга сотиб, 7800 сўм ошиқча пул олиб қолгани аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятини яхши билган кишида қонунга ҳурмат ҳисси кучли бўлади. Қонунларни яхши билмаслик эса жиддий хато ва жиноят содир этишга олиб келади. Лекин бу ҳеч кимни жавобгарликдан озод этишга асос бўолмайди. Шундай экан, киши бирор иш қилишдан олдин унинг оқибатини ўйлаб кўриши лозим.

И.НЕЪМАТОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бошқармаси бошлиғи

ҚОНУНГА ЗИД ИШ ҚИЛДИНГМИ?

Халқимиз турмушининг фаровонлигини таъминлаш кўп жиҳатдан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигига боғлиқ. Бунинг учун юртимизда кўплаб қонун ва қарорлар қабул қилинган. 2004 йил 4 февралдаги «Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига акциз маркаларининг янги намуналарини жорий этиш тўғрисида»ги қарор шулар жумласидандир. Унда акциз маркаларини қалбакилаштириш, сифатсиз маҳсулотларни юртимизга ноқонуний олиб келиш ва сотишнинг олдини олиш назарда тутилган.

Дарҳақиқат, кўрилаётган чораларга қарамай, мамлакатимизда маркаланмаган, ноқонуний йўллар билан олиб келинган товарларни сотиш давом этмоқда.

Наманган вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бош-қармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан йил бошидан бери алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний муомалага киритиш ҳолатларини аниқлаш бўйича ўтказилган тадбирларда 33.595.200 сўмлик алкоголли ичимликлар, 1.404.500 сўмлик сигаретлар олиб қўйилди.

2004 йил 2 феврал куни «Янгиқўрғон» мева ва узумни қайта ишлаш ОТАЖда ўтказилган текширишда қуюв цехининг бошлиғи З.Отабоевнинг 329.611 сўмлик 73.247 дона «Портвейн» вино ёрлиғидан, 134.533 сўмлик 19.219 дона пластмасса қопқоқдан, 17.048.980 сўмлик 148.252 дона ярим литрли шишадан, 112.406 сўмлик 22.940 дона акциз маркасидан камомад борлиги аниқланди.

Қарорга мувофиқ маркаларда Молия вазирлиги, Солиқ ва Божхона қўмиталари томонидан «Давлат белгиси» ДИЧБ билан ҳамкорликда қўшимча ҳимоя чоралари жорий этилди. Шунинг учун илгари маркаланган алкоголли ва тамаки маҳсулотларини жорий йилнинг 15 августидан бошлаб сотиш тақиқланади.

О.САДРИДДИНОВ,
Наманган вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бошқармаси катта инспектори

КЎЗА КУНИДА СИНАДИ

Паркент туманининг Шампан қишлоғида жойлашган «Дониёр» хусусий фирмасига қарашли автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаси ҳар доим гавжум. Майли қандини урсин. Бугунги шароитда ким уддабурон тадбиркор бўлса, ўшаники ҳисоб.

Лекин бу қонунларни четлаб ўтиш ёки менсимаслик керак дегани эмас. Афсуски, шахобчадагилар нақд пул билан ишлаш қоидаларини бузишга одатланиб қолишди. Шахобчага ўрнатилган назорат-касса машинаси ишлатилмайди. Шундай қилиб, савдодан тушган нақд пул банкка топширилмай келинди. Текширув куни ҳам эски одат такрорланди. Сотувчи-оператор Т.Шамсиев харидордан пулни олди-ю, чек бермади. Кўза кунда эмас, кунида синади деганларидек, бу сафарги харидорлар бироз «қайсарроқ» чиқиб қолишди. Натижада сотувчи-оператор жаримага тортилди.

Бундан ташқари туман солиқ инспекцияси бошлиғининг қарорига кўра, «Дониёр» хусусий фирмасига нисбатан каттагина миқдорда жарима қўлланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори нақд пул билан боғлиқ қонунбузилишларнинг олдини олишга қаратилганини кўпчилик яхши билади. Авваллари бозорда мол сотган ҳар қандай киши тадбиркор саналарди. Ва у қайси мамлакатнинг товари бўлишидан қатъи назар, бемалол савдо қилиб, тушган пулни чўнтакка уриб кетаверарди. Бугун эса талаб бошқача. Бозорларда ҳар бир турдаги товарни сотиш учун алоҳида жой мавжуд. Аммо айрим ҳолларда бу қоидани ҳам бузаётганлар учрайди.

Бўлим ходимлари Паркент деҳқон бозорида шундай кишиларга дуч келишди. Хусусий тадбиркор Икром Собитовнинг дўкони яхши қурилганлиги ва чиройи билан кўзга ташланиб туради. Қузатган киши Собитов яхши тадбиркор экан деб ўйлайди. Аммо унинг фаолияти билан яқинроқ танишгач, юқоридаги фикрнинг нотўғри эканлигига амин бўлдик. Собитов дўкондаги назорат-касса машинасини ишлатмаётгани маълум бўлди. Бу ҳам етмагандай у хорижда ишлаб чиқарилган, акциз маркаси бўлмаган сигаретларни савдога чиқарган.

Мамлакатимизда ҳар қандай турдагиқонунбузилиш учун жазо чоралари белгиланган. И.Собитовга ҳам туман судининг қарори билан 32.640 сўм жарима солинди. Далилий ашё сифатида олинган товарлар давлат фойдасига мусодара қилинди.

Бундан ташқари ҳисоб-китобларни назорат-касса машинасисиз олиб борганлиги учун туман солиқ инспекцияси бошлиғининг қарорига кўра унга 607.880 сўм жарима белгиланди.

Айтмоқчимизки, инсон ҳар бир ишга виждонан ёндашмоғи лозим. Бу энг тўғри ва мақбул йўлдир.

Хўжабой АСҚАРОВ,
Паркент тумани прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими бошлиғи

ШҲТ НИМА ДЕГАНИ?

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Асосий органларга қуйидагилар киради:

— давлат раҳбарларининг кенгаши — ШҲТнинг йиллик саммитлари иштирокчи давлатлар пойтахтларида ўтказилади;

— ҳукумат бошлиқларининг кенгаши;

— ташқи ишлар вазирлари кенгаши — биринчи йиғилиши 2002 йилнинг ноябрида бўлиб ўтган. Олий даражадаги учрашувларни ташкил этади, иштирокчиларнинг позицияларини мувофиқлаштиради ва давлат бошлиқлари имзолаши учун асосий ҳужжатларни тайёрлайди, шунингдек шахсий мурожаатномалар (Халқаро терроризмга қарши курашиш тўғрисидаги конвенция ва Ядровий терроризм актлари билан курашиш бўйича конвенциянинг тезроқ қабул қилиниши хусусида) қабул қилади;

— вазирлик ва идора раҳбарларининг кенгаши — 2000 йили «бешлик» доирасида мудофаа вазирларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди, шундан буён бундай учрашувлар доимий равишда ўтказиб келинмоқда. Хусусан, 2003 йилнинг сентябр ойида ШҲТ мамлакатлари Бош прокурорларининг йиғилиши бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон Бош прокурори Р.Қодиров ҳам қатнашди;

— котибият (Пекинда) — унинг таркиби 40 тагача бўлиши кўзда тутилган. 2004 йилдан бошлаб ишга киришиши лозим.

Терроризмга қарши регионал тузилма (Тошкент).

2003 йилнинг август ойида ШҲТга аъзо мамлакатлар Қуролли кучларининг терроризмга қарши кураш бўйича «Ҳамкорлик — 2003» ўқув машқлари ўтказилди. Қозоғистонда бўлиб ўтган биринчи ўқувда Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон вакиллари (Тожикистон кузатувчи сифатида қатнашган) иштирок этдилар. Унинг иккинчи ўқуви Хитойда бўлиб ўтди. Терроризмга қарши курашиш тузилмасининг штаби 2004 йилнинг январ ойидан бошлаб Ўзбекистон пойтахти Тошкентда тўлақонли фаолият юрита бошлади.

ШҲТ Тинч океани ва Осиё ҳудудида коллектив хавфсизлик тизимининг қурилишида катта аҳамият касб этади. Бу ташкилот мазкур ҳудудда фаолият юритаётган бошқа регионал институт ва механизмлар билан бир қаторда кўп томонлама ҳамкорлик тизимидаги янги бўғин ҳисобланади.

2001 йилнинг 11 сентябрида АҚШда содир бўлган террористик ҳаракатлардан сўнг ШҲТ доирасида терроризмга қарши кураш чоралари кучайтирилди. Бунгача иштирокчи давлатлар Афғонистонда қўним топган террористик кучларнинг таҳдиди билан тўқнаш келган эди. ШҲТ давлат бошлиқлари аввалдан дунё ҳамжамиятини юзага келаётган хавфнинг миқёсини тўғри баҳолашга чақириб, миллий даражада, кўп томонлама ва ташкилот доирасида тегишли чора-тадбирларни кўраётган эдилар.

ШҲТ ўз хусусиятига кўра ҳарбий тузилма ёки альянс бўлмай, балки ўз доирасини кейинчалик кенгайтириши мумкин бўлган, кенг ҳамкорликка мўлжалланган очиқ ташкилотдир. Ҳозирги пайтга келиб Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Шри-Ланка, Мўғулистон, АҚШ, Япония, АСЕАН, ЕИ каби давлат ва ташкилотлар ШҲТ фаолиятига қизиқиш билдиришмоқда.

ШҲТ давлат бошлиқларининг шу кунларда Тошкентда бўлиб ўтадиган навбатдаги йиғилиши ташкилотни ривожлантириш сари ташланаётган яна бир муҳим қадамлардан бўлиши шубҳасиздир.

Алишер МУҲАМЕДОВ,
Республика Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи

TAKLIF

ТАҲРИРГА МУҲТОЖ ЖОЙЛАРИ БОР

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича айрим мулоҳазалар.

Ушбу қонун лойиҳасининг ўз вақтида ишлаб чиқилганлиги, унинг ҳозирги кун учун долзарб аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Чунки мазкур қонун қабул қилинса, республикамиз «иқтисодий жаннат» ҳисобланувчи мамлакатлар рўйхатидан чиқарилади. Қонун лойиҳасининг умумҳалқ муҳокамасига қўйилганлиги ҳам унинг янада мукаммал бўлиши учун хизмат қилади, деган умиддамиз.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 243-моддасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштирганлик учун жавобгарлик белгиланган, бироқ афсуски жиноят қонуни амалда бўлган давр мобайнида ушбу моддада назарда тутилган қилмиш бўйича қўзғатилган жиноят ишини учратмадик.

Бизнингча, бунинг сабаби аввало жиноий фаолият нима? Бундай фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг моҳияти нималардан иборат деган масалага қонунда аниқ таъриф берилмаганлигидадир.

Биринчи ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан маъқулланган қонун лойиҳасида ҳам юқорида қўйилган саволларга аниқ жавоб берилмаган.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га кўра фаолият дейилганида бирор соҳада олиб бориладиган иш, машғулот, ҳаракат тушунилади. Демак, жиноий фаолият деганда жиноий машғулот, жиноий хатти-ҳаракатни тушуниш лозим.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадлар эса жиноий машғулот, жиноий хатти-ҳаракат натижасида қўлга киритилган моддий қийматга эга бўлган бойликларни билдиради. Шу ўринда савол туғилади: жиноий бўлмаган ҳуқуқбузарликлар (маъмурий, фуқаровий ва ҳ.)ни содир этиш натижасида олинган, яъни қонунга зид равишда олинган даромадларни легаллаштирганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланиши керак эмасми?

Бизнингча, қонун номидан «жиноий фаолиятдан олинган даромадлар» сўзлари «ғайриқонуний равишда олинган даромад»лар деб ўзгартирилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки жиноий фаолиятдан олинган даромадлар дейилганида наркобизнес, контрабанда, порнография нашрларни сотиш, одамларни шаҳвоний ёки бошқа мақсадларда эксплуатация қилиш ва бошқа шу каби жиноятларни содир этиш натижасида олинган даромадлар тушунилади. Бу даромадлар пул маблағлари, кўчар ёки кўчмас мулк кўринишида бўлиши мумкин.

Қонун лойиҳасининг 3-моддасида жиноий фаолиятдан олинган даромадлар ҳам қонунга хилоф равишда олинган даромадлар деб берилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Ушбу моддада жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга берилган таъриф ҳам аниқ эмас.

Ушбу таъриф қуйидагича берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди: «жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш — жиноий фаолиятдан олинган даромадларга қонуний тус бериш мақсадида бундай даромадларнинг эгаси, манба турган жойи тўғрисидаги ахборотни қасддан бузиб кўрсатиш: улар билан молиявий операциялар ўтказиш, бошқа битимлар тузиш, улардан моддий манфаат кўриш мақсадида фойдаланиш».

Қонун лойиҳасининг ўзбек тилидаги матни жуда ҳам таҳрирга муҳтож. Масалан, 6-модданинг 6-хатбошисида «банк омонатларига пул маблағларининг нақд ҳолда киритилиши» ўрнига «банк омонатларига нақд пул маблағларининг киритилиши», деб ёзилса, аниқроқ бўлади.

Албатта, юқорида билдирилган мулоҳазаларнинг барчаси тўғри ва фақат шундай бўлиши керак, деган фикрдан йироқмиз. Бироқ ўз фуқаролик нуқтаи назаримизни айтишимиз лозим, деб топдик.

Қ.АБДУРАСУЛОВА,
юридик фанлари номзоди, доцент

OMONATGA XIYONAT

ҚАЛБАКИ ИМЗО

Фуқаролардан тушган ҳар бир ариза, шикоят туман прокуратураси томонидан батафсил ўрганилиб, қонуний чоралар кўрилмоқда. Хусусан, фуқаро А.Умрзоқовнинг аризаси юзасидан ўтказилган текшириш якуни бўйича эса «Андижонгаз» корхонасининг Бўз туман бўлими мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Тергов мобайнида ушбу идора ғазначиси Х.Раҳмонов, бош ҳисобчиси И.Йўлдошев ва директори Ғ.Абдуллаевлар ходимларнинг маошларини ўзлаштириб юборганликлари аниқланди.

Ҳ.Раҳмонов 2003 йил 1 майдан 1 ноябригача ғазначи вазифасида ишлаганди. Йигирма беш яшар «қўли очиқ» йигит ўзидан ёши улуғ бош ҳисобчи ва директорга дангаллиги билан ёқиб қолганди. Ўзидан ҳам ёши, ҳам лавозими улуғларнинг айтган сўзларини ерда қолдирмай, уларнинг ишончини қозонди. Уларнинг ҳаражатларига банкдан олинган иш ҳақи, маош пулларини аямай ишлатаверди. Банкдан иш ҳақи учун олинган пулларни тарқатаётиб, хизмат юзасидан идорада бўлмаган андишали ходимларнинг имзоларини ўзи ўхшатиб қўйиб, уларга тегишли маош пулларини бош ҳисобчи И.Йўлдошев ва директор Ғ.Абдуллаев билан ўртада «арра» қиларди. Туман газ идорасида назоратчи бўлиб ишлаган А.Қўчқорова уч ойлик маошини олмаган эди. Иш ҳақи тўловномасига унинг ўрнига ғазначининг ўзи имзо қўйиб, пулларини ишлатиб юборганди. Азизахон ҳақини талашиб тортишди. Онаси ўртага тушди. Шу тариқа 81 минг сўмдан зиёд иш ҳақини ғазначи кейинчалик қайтариб беришга мажбур бўлди.

Бироқ иш ҳақларини ўз вақтида ололмаган бошқа ходимлар муросамадора қилиб юравердилар. Бу билан газ идорасидаги собиқ директор бошлиқ жиноий гуруҳнинг тегирмонига сув қуйишди. Ҳаром тешиб чиқади, деганларидек, ғазначи ёз кунларидан бирида фалокатга йўлиқиб, касалхонага тушди. Унинг ўрнига банкдан бош ҳисобчининг ўзи бир ойлик иш ҳақи пулларини олди. Пулларнинг 50 мингини директорга тутқазиб, 250 минг сўмини ўзи ишлатиб юборди. Шундай қилиб, Х.Раҳмонов, И.Йўлдошев ва Ғ.Абдуллаевлар 613 минг сўмдан зиёд иш ҳақи пулларини тўловномаларга сохта имзолар қўйиб ўзлаштириб юборганлар.

Ўз киссасини тўлдириш «дарди»га йўлиққан директор ва бош ҳисобчи корхонанинг молиявий ишларини ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйганлар.

Халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз айтганидай, халқимиз андишали, бироқ андишанинг ҳам чегараси бўлиши керак. Фуқаролар ҳуқуқларини талаб қилишга одатланишса, юқоридаги каби жиноятларнинг пайи қирқилиши шубҳасиз.

З.РУСТАМОВ,
Бўз туман прокурори

INTILGANGA TOLE YOR

НЕГА ПРОКУРОР БЎЛМОҚЧИМАН?

Рус шоири Михаил Лермонтовнинг шеърларидан бирида:

«Ёдимда бор, ёшликданоқ бир муддаоим: Мўъжизани излаб, уни топсайдим дердим»,

— деган мисраларни ўқиган эдим. Шоир ўн етти ёшида шундай деб ёзган, уни ўқиганимда ўн ёшда эдим. Аммо мен излаган мўъжиза бутунлай бошқача. Мен ер юзидан жиноятчиликни бутунлай йўқ қилишни орзу қилганман. Отам прокуратура соҳасида ишлагани учунми, бу касб мени ёшлигимданоқ ром этган. Баъзан ҳайрон қоламан, айрим одамлар прокуратура ҳақида нотўғри фикрда. Улар прокурорларни озгина хато иш қилганларни қўлига кишан солиб, турмага тиқадиган кишилар сифатида тасаввур қилишади. Аслида эса бундай эмас. Прокуратура лотинча «prokure», яъни «ғамхўрлик қилиш» сўзидан келиб чиққан. Прокурор жиноятчи, яъни одамларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларига тажовуз қилувчиларнинг ишини судга оширишга рухсат бериб, судда улар устидан давлат айбловини қўллаб-қувватлаш орқали минглаб бегуноҳ кишиларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Тўғри, прокурорнинг талаби қатъий, фуқаролар, давлат корхоналари, турли ташкилотлар қонунларга риоя қилишлари лозим, акс ҳолда давлатда тинчлик бўлмайди. Зеро, соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари айтганидек, «...яна тажрибамда кўриб билдимки, давлат агар дину ойин асосида қурилмас экан, тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат ялангоч одамга ўхшайди, уни кўрган кимса назарини олиб қочади. Ёвуз касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган, томсиз, эшигитўсиғи йўқ уйга ўхшайди».

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ биз юртимизда «томсиз, эшиги-тўсиғи йўқ, касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган уй» эмас, балки демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилиб қўйдик. Прокуратура эса, менимча, ўшандай давлатдаги қонунийлик устидан назорат қилиб борувчи органдир, яъни том маънода қонун ҳимоячисидир.

Содир этилган жиноят боис жиноятчиларга жазо бериш мақсадида уларни таъқиб қилишни амалга оширадиган алоҳида институт сифатида прокуратура XIII-XIV асрларда Францияда пайдо бўлган. Бу даврда Франциянда давлат айбловини амалга оширадиган алоҳида орган вужудга келган эди. Кейинчалик унинг зиммасига қонунийлик устидан назорат олиб бориш вазифаси ҳам юклатилган. Прокуратура институтининг ушбу типи кейинчалик Австрия, Германия сингари давлатларда ҳам пайдо бўлган ҳамда XIX асрнинг бошларидан Европадаги барча мамлакатларда фаолият кўрсата бошлаган.

Баъзи фуқароларнинг «прокуратура» сўзини эшитиши биланоқ даҳшатга туша бошлашининг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Маълумки, Октябр тўнтаришига қадар юртимизда прокуратура институти мавжуд бўлмаган. Барча ишлар шариат қонунларига мос равишда ҳал этилган. Ўзбекистон ССР ташкил этилганидан кейин бу ерда ҳам прокуратура органлари тузилган. Етмиш йилга яқин СССР қонунларига мос равишда иш кўрган прокуратура ўша даврда туғилиб ўсган, фаолият кўрсатган фуқаролар дилида кўркув, ваҳима уйғотишига юртимизда ўтган асрнинг ўттизинчи, эллигинчи, саксонинчи йилларида ўтказилган қатағонлар сабаб бўлган.

Дилимдаги орзу мени Тошкент Давлат юридик институтига етаклаб келди. Ҳозир биринчи курсни тугатяпман.

Таҳсил даврида битта нарсага амин бўлдим, прокурор бўлиш осон эмас экан. Хўш, жиноятчиликка бутунлай барҳам бериш учун нима қилиш керак? Нима қилсак одамлар бировларнинг молига кўз олайтиришдан, енгил-елпи пул топишдан, бировларнинг жонига қасд қилишдан тийилади? Бунинг бирон йўли борми? Баъзан шундай бўладики, ҳатто дарс пайтлари ҳам шуларни ўйлаб кетаман. Нима бўлса ҳам ёшликдаги орзуларимни амалга оширишим лозим. Ҳозирча билганим: барча фуқаролар зиммасига юклатилган бурч ҳамда вазифасини виждонан адо этса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари жиноятчиликни келтириб чиқарадиган барча шароитга барҳам берса, ўзибўларчилик, менга нима қабилидаги кайфиятга бутунлай чек қўйилсагина жиноятчиликка барҳам берса бўлади. Касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олиш енгилроқдир деган гап бор. Демак, жиноятчиликнинг олдини олиш учун жиноят содир этиши эҳтимолдан холи бўлмаган кишиларга бундай қилмиш учун жазонинг муқаррарлигини тушунтириш лозим.

Отабек ТУРСУНХЎЖАЕВ,
ТДЮИ талабаси

JINOYATGA JAZO MUQARRAR

ВАЛЮТА АЛМАШТИРИШ ШАҲОБЧАСИДАГИ «ЎҒИРЛИК»

Соат 18 га яқинлашиб қолган. Яна бир иш куни ниҳоясига етмоқда. Айнан шу пайтда етказилган нохуш хабар «Асака» банкининг Шайхонтоҳур бўлими раҳбариятини эсанкиратиб қўйди. Хабарда айтилишича, бўлимнинг 23-сонли валюта айирбошлаш шахобчасининг ходимлари кунлик ҳисоб-китобни юрита туриб, сейфда бўлган пулда камомад борлигини аниқлашган. Оз эмас, нақд 10 минг АҚШ доллари! Шунча пул қаёққа кетиши мумкин?!

Ҳамманинг боши қотган. Тезда ИИБга хабар қилинди. Бироздан сўнг етиб келган милиция ходимлари дарҳол ишга киришдилар. Зудлик билан кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўғрилар эртаси куниёқ қўлга олинди.

* * *

Марина ишга кетишга тайёргарлик кўриб турганида эшик қўнғироғи чалиниб қолди. Чиқиб қараса таниши Александр.

— Марина, яхшимисан? Безовта қилмадимми?

— Ўзинг қалайсан? Ишга кетмоқчи бўлиб турувдим. Тинчликми?

— Тинчлик бўлганда келармидим? Ёрдаминг керак бўлиб қолди.

— Қанақа ёрдам?

— Биласанми... — у бироз чайналди, — уйга, Украинага кетишим керак эди. Лекин бунинг иложи йўқ. Сабаби, у ердаги бир танишимдан қарздорман. Анчагина катта сумма. Бир қўллаб юбормасанг бўлмайди.

— Гапингга тушунолмай қолдим. Сенга қандай ёрдамим тегиши мумкин? Агар пул сўрамоқчи бўлсанг, менда унақа катта пул йўқ.

— Сенда катта пул йўқлигини биламан. Лекин ишхонангда-чи?

— Бу нима деганинг? Ахир у пуллар давлатники-ку!

— Буниям яхши биламан. Шунинг учун бир иш қилсанг. Шундоққина ёнбошингда «бакс» лар тахланиб ётган бўлса. Ўшандан бир пачкасини опчиқиб менга берсанг бўлди.

— Эсингни еб қўйибсан! Нималар деяётганингни, оқибатини биласанми, ўзинг?

— Э-э, ваҳима қилмасанг-чи! Қўрқмагин, ҳеч нарса бўлмайди. Аниқроғи, ҳеч ким билмайди. Кассанг яхшилаб қўриқланади, тўғрими? Бундан ташқари, у ердаги пулнинг қанчалигини биров билиб ўтирибдими? Озгинасини олсанг ҳеч ким сезмайди. Билиб қолишган тақдирда ҳам сендан ҳеч ким гумонсирамайди.

Александр гапдан тўхтади. Сўнгра Маринанинг кўзига тик боққанча давом этди:

— Мени тўғри тушунгин, Марина. Ҳаётим қил устида турибди. Ҳозир сендан бошқа халоскорим йўқ...

* * *

Шахобчада улар икки киши — Наргиза назоратчи-кассир, Марина бўлса кассир вазифасида ишлайди. Уларнинг бугунги иш куни ҳам одатдагидек бошланди. Марина кассадан 50 минг АҚШ доллари, 5 минг евро ҳамда маълум миқдордаги сўмларни олиб келди-да, стол устига қўйди. Ўз навбатида Наргиза пулларни олиб, сейфга жойлади-да, ўз иши билан шуғуллана бошлади. Соат 12 ларга яқин Наргиза бир иш билан ташқарига чиқди. Шуни кутиб турган Марина дарҳол сейфни очди-ю, бир пачка АҚШ долларини олиб, яшириб қўйди. Наргиза қайтиб келганида у ўз жойида ўтирарди. Бир пайт қарашса, тушлик вақти ҳам бўлиб қолибди. Аксарият ҳолларда тушликка бирга чиқадиган ҳамкасабалар, шу куни Маринанинг «ишим бор эди» деган гапи билан алоҳида овқатланадиган бўлишди. У бундан ташқари тезда қайтишини баҳона қилиб, шахобча билан сейфнинг калитини ҳам ўзи билан олиб қолди. Наргиза кетгач, яшириб қўйган жойидан пулни олди-ю сумкасига солиб, кўчага равона бўлди. Белгиланган вақтда етиб келиб, кўчанинг нариги томонида турган Александрга кўзи тушгач, тезда унинг ёнига йўл олди. Қоғозга ўралган пулни топширгач, хотиржам бўлганча орқага қайтди. Иш жойига келгач, ҳеч нарса бўлмагандек ишини давом эттираверди. Бу орада Наргиза ҳам тушликдан қайтиб келди. Кун охирлагач, ҳамкасабалар кассадаги пулларни ҳисоблаб кўришса, 10 минг доллар кам чиқди. Қайтадан ҳисоблашди. Ҳақиқатан етмаяпти. Ҳайрон бўлишди. Охир-оқибат раҳбариятга хабар беришди.

Марина биринчи суриштирувдаёқ ҳамма гапни айтиб берди.

* * *

Ушбу жиноий ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди Марина билан Александрнинг қилмишларини таҳлил қилган ҳолда уларни амнистияга кўра жазодан озод қилиш, Александрни Ўзбекистондан ўз юрти — Украинага депортация қилиш ҳамда улардан етказилган зарарни ундириш ҳақида ажрим чиқарди.

Жиноят иши билан танишар эканман, бу жиноят ўзининг гайритабиийлиги билан мени ўйлантириб қўйди. Сабаби, бизда бундай воқеалар деярли учрамаганлиги, қолаверса бу турдаги жиноятларни одатда хорижий фильмларда кўришга ўрганиб қолганимиз сабабдир. Шу ўринда баъзи хориж фильмларига тўхталиб ўтсак.

Маълумки, бундай фильмларнинг аксариятида полициячилар билан жиноятчилар ўртасидаги зиддиятлар акс эттирилади. Воқеаларнинг кечиши отишмалар, бир-бирини автомашинада қувлаш, ур-сур, муштлашувлар билан бойитилади. Гоҳида эса баъзи фильм қаҳрамонлари банкларга ўғриликка ҳам тушишади. Нима учундир улар қўлга тушмайдилар, жазодан ҳам қутулиб қоладилар. Менга энг таъсир қиладигани, фильмдаги воқеалар батафсил кўрсатилади. Яъни, ўғри ўғрилик қилиш учун қанақа режалар тузади, шу режа асосида қанақа қилиб белгиланган уй ёки банкка ўғриликка тушади ва охир-оқибат қандай йўл билан қўлга тушишдан қутулиб қолади, ҳаммаси кўрсатилади. Айтмоқчиманки, бундай фильм ижодкорлари мўмай даромад орттириш илинжида фаолият юритадилар-ку, аммо фильмдаги воқеалар боис айрим нопок, қўли эгри кимсаларга, ўзлари билмаган ҳолда йўл-йўриқ кўрсата-ётганликларини наҳотки билишмайди. Яна билмадим-у, юқоридаги жиноят иши ҳам шўндай «йўл-йўриқ»ларнинг натижаси эмас, деб ким кафолат бера олади?

Бу воқеани ҳикоя қилишимиздан мақсад, айрим кимсаларга бадиий фильм билан реал ҳаёт ўртасида осмон билан ерча фарқ борлигини эслатишдан ташқари, ҳеч бир жиноят жазосиз қолмаслигини, қонунни четлаб ўтаман, дея хомтама бўлмасликларини уқтиришдир.

Шаҳноза ШАРИПОВА,
Шайхонтоҳур туман прокурорининг катта ёрдамчиси

MULOHAZA UCHUN MAVZU

ЁЛАНГАН ҚОТИЛ

Кейинги 5-10 йил ичида жамиятимиз жуда ўзгариб кетди. Юртимизга шиддат билан кириб келаётган Ғарб маданияти, тараққиёти бизнинг онгу тафаккуримизни буткул ўзгартириб юборди. Ижобий томонгами ёки салбий? Танганинг ўнгу терси бўлганидек, бизни ҳар иккала жиҳат ҳам четлаб ўтгани йўқ. Яхши томонларини санасак адоғи йўқ. Лекин... Мана шу «лекин» бизнинг оғриқ нукталаримизга айланиб бормоқда.

Бугун айнан шу мавзуга қалам уришга қарор қилдик. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Аввало бу мавзу ҳақида мулоҳаза юритишимизга туртки бўлган Сирдарё вилоятининг Оқолтин тумани «Чинобод» ширкат хўжалигида рўй берган воқеага тўхталиб ўтсак. Сўнг хулосани ўзингиз чиқарасиз.

Бу галги учрашувда Анвар Муҳаббатга мақсадини айтди: «Эртага уйингизга совчилар боради». Ниҳоят, орзулари ушаладиган дамлар келди. Ширин хаёллар осмонида учиб юрган йигит уйга келиб нариданбери овқатланган бўлди-ю дам олгани чўзилди. Шу паллада кўзга уйқу келармиди? Алламаҳалгача ўй суриб ётган Анварнинг саҳарга яқин кўзи илинди. Тонгда эса кимнингдир қаттиқ туртишидан уйғониб кетди.

— Тур, Анвар, — тепасида қўшниси Аҳмад ака турарди.

— Нима гап, тинчликми? — ҳайрон бўлиб сўради йигит.

Аҳмад ака индамай ҳовлига чиқди. Анвар унга эргашди. Ташқарида онаси негадир йиғлаб турарди.

— Ўғлим, даданг... дадангни...

Азизахон гапини тугатмасдан Анвар ичкари уй — дадаси ётган хонага югурди. Пайзулла ака ўз ўрнида ётар, устига кўрпа ёпиб қўйилган эди.

Анвар секин кўрпани кўтарди-ю юраги орқага тортиб кетди: дадасининг боши қонга беланиб ётарди... Унинг қотиллари аниқ эди: бу ўша — ҳовлида гўё ҳеч нима билмагандек йиғлаб турган онаси ва уйида яшаб юрган Аминжон. Ҳа, чиндан ҳам Пайзулла аканинг қотиллари ўз хотини ва Аминжон эди.

Азизахон табиблик билан шуғулланар, «довруғи» қўшни туману шаҳарларгача тарқалган экан. Дардманд кишилар шифо истаб унинг ҳузурига келишса Азизахон уларни «ўқиб-қоқиб», хуллас, ўзига маълум йўллар билан даволар экан. Ёзда Самарқандга зиёратга бориб уйига ёшгина йигитни етаклаб келди. Эмишки, бу йигитни «даволаб», ўзига шогирд қилиб олганмиш. Пайзулла ака қаршилик қилмади, хотини 45 ларга борган, Аминжон эса 25 ёшлар чамасидаги йигит эди. Шу боисми, ҳеч қандай шубҳага бормади. Ахир у хотини билан тинч-тотув бўлмаса-да, бир нави яшаб келаяпти, тўрт нафар фарзандлари бор. Уруш-жанжал киммнинг уйида бўлмайди, дейсиз. Тўғри, жанжални Пайзулланинг ўзи чиқарарди. Кунда-кунора ичиб келиши хотининнинг «жағини очарди». Боз устига у ахлоқсиз киши эди, бегона аёлларни ҳатто ўз уйига олиб келгани етмагандай, хотинини ҳамиша хўрлар, қимор ўйнаб унга ўз жуфти ҳалолини тикарди. Унинг зўравонлиги-ю хўрликлари, бемаъни хатти-ҳаракатлари Азизахоннинг сабр косасини тўлдирди. У қандай қилиб бўлса ҳам эридан қутулиш чорасини ўйлай бошлади ва Аминжонга «дардини ёрди». Аминжон шу уйда яшагани учун эру хотиннинг уруш-жанжалларидан хабардор эди. Шу боисми, устозига раҳми келди.

— Пайзулла ака билан ажрашсангиз бўлмайдими? — деб сўради у кунлардан бирида.

— Э, ундан осонликча қутула олмайман, — деди Азизахон ҳасратини тўкиб. — Ундан кўра ўзимни ўлдирсам мақсадимга эришаман.

— Ўз жонингизга қасд қилиб нима қиласиз, яхшиси эрингизнинг ҳаётига «точка» қўйиш керак.

— Қандай қилиб?!

— Буёғини менга қўйиб беринг. Розимисиз?

— Қўлингиздан келганини қилинг...

Азизахон шогирдининг қўлига пул бериб, «кечаси уйга келинг, мен сизни кутиб ўтираман», деб тайинлади.

Шу куни тунги соат иккиларда Аминжон устозининг уйига бориб дарвозадан секин Азизахонни чақирди. Аёл уйдан чиқиб:

— Келдингизми, — деди бамайлихотир. — Шошмай туринг, мен аввал уйни бир кўриб чиқай...

— Кираверинг, ухлаб ётибди, — деди бир зум ўтмай қайтиб чиққан Азизахон ва турмуш ўртоғи ётган хонани кўрсатиб юборди.

Аминжон уйга кираётиб ҳовлида ётган шпинделни қўлига олди. Ичкари уйда эса Пайзулла ҳеч нарсадан бехабар ухлаб ётарди. Аминжон қулай фурсатни қўлдан чиқармаслик учун шпиндель билан Пайзулланинг бошига урди.

У ҳовлига чиққанида Азизахон йигитни кутиб турарди.

— Эрим чиқиб қолиб мени урмаса бўлди, — деди у Аминжоннинг қўлидаги темирни кўриб.

— Энди сизга қўл теккиза олмайди, уни ўлдирдим...

Кутилмаган фожеадан Анварнинг боши гангиб қолди. Наҳотки, онаси ўз эрини ўлдиртирган бўлса?! Меҳмон йигитга отасини ўлдириш нега керак бўлиб қолди? Оиласи ҳар қанча нотинч бўлганда ҳам буни Аминжонга нима дахли бор?..

Шу каби сўнгсиз ўй-хаёллар Анваржонни эзаверди. Кейин суд бўлди. Азиза Дўсматова 12 йилга, Аминжон Исломов эса 17 йилга озодликдан маҳрум этилди. Ҳар иккисига ҳам жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташ белгиланди.

Анвар бир кунда отасидан айрилди, онаси қотил деган ном олди, шунча кўргуликлари етмагандай, Муҳаббатидан ҳам ажралди. Бу фожеадан кейин Муҳаббатнинг отаонаси бу оилага қиз бермайдиган бўлишди...

* * *

Мана, жиноят тафсилоти билан танишдингиз. Мақоламиз аввалида Ғарб бизнинг онгу тафаккуримизга таъсир кўрсатаётганини айтиб ўтдик. Ахир, биз шарқона тарбия остида камол топдик, Ғарбга кўр-кўрона эргашиш бизни қайси томонга етаклаяпти?

Ўзбек аёллари Ғарбга тақлид қилиб аввалига «эркаклар билан тенг ҳуқуқли» бўлишни орзу қилишди. Етдилар ҳам. Қарабсизки, аёл — кўчада, ишда, бозорда... сўнг ғарбона кийим-кечакка ҳавас қилдилар. Эгниларига илдилар ҳам: калта-қулта, ярим очиқ, тор, йиртиқ... Кўринишларини оврўпача қилишди: сочлар сариқ, қизил, ёки оппоқ юзда турфа бўёқлар, узун тирноқлар... Энди улар ўзларини эркин ҳис қила бошлашди. Эрга ҳурмат сусайди, оилага эътибор. Охир-оқибат эса... эри ёқмай қолса, одам ёллаб ўлдиртирадиган бўлишибди. Ҳа, бу даҳшат. Айниқса, «заифа» деб аталган Шарқ аёллари шу қадар тубанликка борса, ёвузликка қўл урса...

Бу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларимизни якунламаймиз, хулоса чиқаришга шошилмадик. Қолган гапни сиз айтарсиз, азиз муштарий?!

Соҳиба ҲАЙИТБОЕВА,
журналист

ORAMIZDAGI ODAMLAR

ЎЗИНГГА ЭҲТИЁТ БЎЛ...

ЁКИ ҚОНУНЛАРГА ЭЪТИБОРСИЗЛИКНИНГ АЧЧИҚ САБОҚЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

«ТЯНЬ-ШИ»ДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Сутдан оғзи куйган қатиқниям пуфлаб ичади дейишади. Лекин мен сутдан куйиб, сутни яна пуфламай ичадиганлар хилидан эканманми... Хуллас, мана, сизга кўнглимни очишимга сабаб бўлган «Тянь-ши» ҳақидаги саргузаштларим. Йўқ, саргузашт эмас, охирги бир йил ичида бўлган воқеа.

Бир тор даврада суҳбатдошларим Тибетда «Тянь-ши» деган табиий маҳсулотлардан дори-дармон тайёрлайдиган корпорация борлиги, унинг шахобчалари дунёнинг жуда кўп мамлакатларида мавжудлиги, Тошкентда ҳам фаолият кўрсатаётгани ҳақида кўп гапиришди. Унинг дори-дармонларини ичгандан кейин бир аёлнинг ка-атта буқоғи йўқолгани, энди у чиройли бўйнига ўн йиллардан буён тақа олмай юрган маржону занжирларини тақа бошлаганини; яна бир аёлнинг оёқларидаги бўртиб, тугун-тугун бўлиб кетган томирлари йўқолганини гапиришди.

Мен азалдан табиий дориларга ўта ихлосманд бўлганим учун уларнинг гапига қизиқиб қолдим. Кўпчиликда бўлгани каби ўзимда ҳам баъзан бўлиб турадиган лоҳасликдан қутулмоқчи бўлдим. Ниятимни эшитган заҳоти суҳбатдошларим Ася Алексеевна деган шифокорга телефон қилишди, у ҳам бир пасда бизга ўтирган жойга етиб келди. Суҳбатлари мазмунидан билдимки, бу уч аёл, айтайлик, Қумри ва Фозила опалар ҳамда Ася Алексеевна «Тянь-ши»нинг расмий аъзолари экан.

Шифокор мени текшириб анча касаллик топди ва 40 минг сўмлик дори ёзиб берди. Ва яна агар мен ҳам корпорацияга аъзо бўлсам, дорилар арзон нархда берилишини айтди. Суҳбат бу билан тугамади.

— Кўпчиликнинг орасида ишлайсиз, — деди Фозила опа. — Дорини ича бошлагач, фойдасини биласиз, тезда қувватга киргинингизни сезасиз. Атрофингиздагиларга айтиб уларниям мижоз қила олсангиз, рағбат пули ҳам олишингиз мумкин. Бунинг учун аввало 10 доллар тўлаб, сафимизга қўшилишингиз керак.

Шунчалар калта ўйлаганимни қарангки, 10 доллар тўлаб арзонроқ нархда дори олдим нима-ю, уни тўламай шундоқ олдим нима деб ўйламабман ҳам.

Эртасига пулни элтиб бердим, қандайдир қоғоз тўлдиришди, ҳатто мени табриклашди. Ва шундан кейин бу дорилар билан бизнес қилиш мумкинлигини, бу ишни бошлаганлар тез ва мўмай фойда олишаётганини миямга қуя бошлашди. Ишонарли далиллар келтиришди.

—Ҳеч бўлмаса 100 минг сўмлик дори олинг, — деди Фозила опа, — уни улгуржи нархда оласиз, фалон фоиз устама нарх қўйиб сотишга рухсат бор. Шу йўл билан ўзингиз ичган дориларнинг бир қисми текинга тушади...

Гапнинг очиғи, мен ҳам ўз-ўзимга ғамхўрлик қилиш соҳасида кўпчилик ўзбек аёлларининг биттасиман. Юриб турибман, ишга бориб келаяпман, кун ўтаяпти, кейинги ойда, йўқ, кейинги ойли дўхтирга бориб даволанарман, ҳозирча рўзғорнинг мана бу камини тўлдириш муҳимроқ дейман-да!

Лекин бу сафар, биринчидан, «Тянь-ши»нинг дорилари инсон танасида ҳеч қандай асорат қолдирмайдиган табиий гиёҳлардан олингани мени жуда қизиқтирган бўлса, иккинчидан, ҳамсуҳбатларимнинг далилу исботлари...

100 долларлик дори олиб бир қисмини сотсам фойда қилишим мумкинлиги жуда ёқиб тушди-ю, «майли, мен 100 доллар топаман», — дедим. Лекин суҳбатдошларим мени «янги уфқлар сари етаклашда» давом этдилар.

— 100 долларга маҳсулот олдисотди қилганингиз учун жуда кам рағбат пули тўланади, — деди яна Фозила опа. — Бир илож қилиб 300 доллар топсангиз, унга олинган дорилар бир ой мобайнида, узоғи билан 40 кунда сотилиб, қўлингизга баракали фойда тушади. Корпорация ҳам сизга яхшигина маош тўлайди.

Мен худди шу бир-бир ярим ой ичида мўмай даромад оладиган одамдай хурсанд эдиму, лекин 300 доллар топиш осонмасди. Бироқ «тянь-ши»чилар мени яхшигина «ўқлашган» эканми ёки борига шукр қилмаслик дегани шумикан... Хуллас, яқиндан буён бир ҳунарнинг бошидан тутиб рўзғорга топиб-тутиб келаётган ўғлимдан қандай қилиб бўлмасин шунча пул топиб беришини сўрадим. Бу орада менга Қумри опа ҳам, Фозила опа ҳам алоҳида-алоҳида қўнғироқ қилишиб, бу ишни асло иккиланмай, қўрқмай бошлайверинг, оқибати яхши бўлишига, мана биз кафилмиз дейишди.

Дарвоқе, мен уларга токи ўзим дориларни ичиб кўриб фойдасини билмагунимча бошқаларга тавсия қила олмаслигимни, сота олмаслигимни айтдим.

— Албатта, сиз ҳақсиз, — дейишди якдиллик билан. — Ҳозирча, дориларни ўзингизда синаб кўргунингизча, биз ёрдам берамиз, дориларингизни сотиб турамиз. Устама нархдан тушган фойданинг ярми сизники, ярми бизники.

Яна улар: «Тянь-ши»нинг офисига ҳар ҳафтада шу дорилар билан соғайиб кетганлар келиб, ўзлари гапириб берадилар. Қатнашсангиз, кўрасиз», — дейишди.

— Мен бундай эртакларга, айниқса, осонлик билан келадиган пулга ишонмайману, лекин, ойи, сизнинг гапингизни ҳам қайтаролмайман, — деди ўғлим ва 200 минг сўм қарз олиб келди.

Ёнимиздагилар билан 300 мингга етказдик-да, шунга дорилар-дармон олинди. Олинди деганимнинг сабаби шуки, мен ҳатто уларни кўлимгаям олмадим. Мени Қумри опанинг бир шахобчаси қилиб ҳужжатлаштиришди (Қумри опа Тожиддин ака деганнинг шахобчаси экан). Лекин мен у ҳужжатдан нусха сўрашим кераклигини ярим йиллар ўтиб англадим.

Хуллас, пулини тўладиму, бир халтага солинган дориларни Фозила опа қўлига олди. Ўзим учун шифокор ёзиб берган 40 минг сўмлик дорини ажратиб берди, уларни 20 кун давомида ичишим керак эди. Йигирма кун ичида булар айтганидек куч-кувватим ортаётганини, ўзимни енгил ҳис қилаётганимни сезсам, ишхонамдагиларга ҳам, қариндошу танишбилишларга ҳам тавсия қиламан деб режа тузиб қўйгандим.

Бу орада Қумри опа билан икки марта саломатлик кунига бордим. Мақсадим — тузалиб кетган беморларни ўз кўзим билан кўриб, ишонч ҳосил қилиш ва тезроқ дориларни сотишга ҳаракатни бошлаш эди. Лекин бу тадбирда мен кутган одамлар эмас, «Тянь-ши»нинг ходимлари, шифокорлари дори-дармонларнинг хусусияти, афзалликлари ҳақида (ҳолбуки, қўлимиздаги китобчаларда бу тўғрида батафсил ёзилганди), қандай йўллар билан мижозларни жалб қилиш борасида маърузалар ўқишди.

40 минг сўмлик дори-дармонни (уларнинг кўриниши, шакл-шамойили жуда чиройли эди!) ичиб юбордиму, ўзимда ҳеч қандай ўзгариш сезмадим. Фозила опа аввалдан узоғи билан 40-50 кунда дориларни сотиб бўлишига ишонтиргани учун, ҳадеб қўнғироқ қилиб, ундан ҳисобот сўрашгаям тортинардим.

«Тянь-ши» шажарасида мен тўғридан-тўғри Қумри опанинг шахобчаси бўлганим учун у билан гаплашиб турардим, ҳаммаси яхши бўлиши ҳақидаги гапларидан хотиржам эдим.

Йигирма кундан сўнг шифокор Ася Алексеевна даволаниш 3 босқичли эканини, мен эндигина 1-босқични ўтганимни айтди. Яна 40 минг сўмлик дори ёзиб берди, уларни Қумри опа орқали Фозила опадан олдим. Фақат... 80 минг сўмлик дорини 40 кунда ичиб бўлгач, бу сафар харажатларимнинг нафини сезмаётганимни тан олдим ва 3-босқичда даволанишдан воз кечдим. Кетган пулимга ачинардим. 80 минг оз пулми, унга айрим кам-кўстларимни битириб олишим мумкинлигини ўйлаган сайин баттар сиқилардим, лекин бир илинж менга таскин берарди, яъни: «Дорилар сотилгач қўлимга тегадиган фойда ва «Тянь-ши»дан ваъда қилинган рағбат пули бефойда кетган чиқимларимнинг ўрнини бир қадар қопласа, қарздан қутулиб оламан». Фойда олиш ҳақидаги фикрларимга чек қўйгандим, калламда бир гап айланарди: «Фақат қарзимни тўлаб олсам, бас! Бундан сўнг бунақа ...ни қайта емайман!».

Бироқ бир ҳафта, ўн кун, кейинги ойда деган муддатларни кутиб, тўрт ойни ўтказганимдан кейин Қумри опа бир куни мени кайфиятсиз кутиб олди-да, Фозила опа кечагина дориларнинг ҳаммасини халтаси билан олиб чиқиб берганини айтди. «Айрим дориларга эҳтиёж кўп, тез сотилади, лекин халтадагиларнинг аксарияти харидоргир бўлмаган, қандайдир озиш, яшариш учун тавсия этилган дорилар... Дастлаб сотиб олинганда бундай эмасди», — деди Қумри опа. Ўша пайтдаги аҳволимни тасаввур қилолмайсиз. Кўз олдингизга келтиринг: узоғи билан икки ойда қайтариб бериш шарти билан ўғлим олган қарзни тўрт ойда ҳам эгасига қайтаролмасак-да, яна қачон беришимиз ҳам номаълум бўлса! Менинг бу дориларни сота олмаслигим тайин эди.

Қисқаси, Фозила опа аввалги дориларни сотиб пул қилиб, менга янгидан дори олиб бердими ёки ҳақиқатан ҳам сота олмадими билмадим, Қумри опанинг гапларидан ана шу икки вазият ўртасидаги тахмину тебранишни сездим.

Бурним ерга теккудек аҳволда уйга қайтдим ва шу кундан эътиборан ўғлимни алдай бошладим: «Пулнинг озгина қисми йиғилмабди, келаси ҳафтада...», «Қумри опанинг зарур иши чиқиб қолиб, шу пулни ишлатиб турибди, ўн кундан кейин...».

Шу тахлит саккиз ой ўтди ва мен эски таниш-билишчиликни, андишани йиғиштириб қўйиб Қумри опага баъзан сабр-тоқат билан, гоҳида аламимни яшироллмай муомала қиладиган, кейин бундан ўзим эзилиб юрадиган бўлдим. Чунки ўғлимнинг олдида лафзим қолмаганди, ўғлимнинг эса қарз берган дўстининг олдида. Назаримда, ўғлим ҳам вазиятни сезиб турарди-ю, юзимга айтолмасди. Фақат: «Ўша дорилардан келадиган фойда керакмас, пулнинг ўзини тезроқ қайтаришсин», — дерди.

Мен «Тянь-ши»нинг Тошкенддаги бўлими бошлиғини излай бошладим. Аҳволимни, вазиятни яхшилик билан тушунтирсам, дориларини қайтариб олишар деган умидда эдим. Қумри опа ҳам шунга ҳаракат қилди, лекин дориларни қайтариб олмасликларини Ирина қатъий айтибди. Бирон-бир маҳкамага мурожаат қилай десам, қўлимда ҳеч қандай ҳужжатим йўқ эди. 10 доллар тўлаган пайтимда тўлдирилган қоғозни марказий идорага юборамиз, тасдиқланиб келгач, сизга нусхасини берамиз дейишганди, лекин беришмаганди. Ўзим ҳам вақтида талаб қилмаганман.

300 долларга дори олган пайтимда ҳам қоғоз тўлдирилган, шундан бир нусха сўраш хаёлимгаям келмаганди.

Энди мен дастлаб ўзларини бошлиқнинг ёрдамчиси деб таништирган Вячеслав билан Иринани излай бошладим. Аввалги иш юритаётган жойларидан кўчиб кетишган, янгисини Қумри опа ҳам билмасди. Уй телефонлари ёки тинмай банд бўларди, ёки кимдир гўшакни кўтариб жавоб берарди-ю, сизни эшитмасди. Ниҳоят, бир куни Тожиддин ака ва Ирина билан учрашдим, аҳволимни тушунтириб, дориларни қайтариб олишларини сўрадим.

— Мен сиз учун дориларингизни сотиб беришга ҳаракат қиламан, — деди Тожиддин ака худди менга хизматини ўтказиб кўяётгандек, ҳолбуки, Қумри опанинг гапи бўйича мен 300 долларлик маҳсулот олганим учун Тожиддин акага мукофот беришган экан.

Ирина ҳам унинг фикрини қувватлади, лекин дорини қайтариб олиш ҳақида умид қилишимга ҳам ўрин қолдиришмади. Ҳужжатларим қаердалигини ўзлариям билишмади.

Шундан сўнг Қумри опа югуриб-елиб ўзи пул топиш ҳаракатига тушди, чунки у ўзини менинг олдимда айбдордай сезарди. Яна шу нарса маълум бўлиб қолдики, Фозила опа мен ўзим учун олган 80 минг сўмлик дорини ҳам улгуржи нархда эмас, чакана баҳода менга ўтказган экан! Қойилмисиз? Ўзингнинг молингни ўша жойнинг ўзида ўзингга сотиб фойда топсалар!

Хуллас, яна икки ой дийдиё қилиб юриб, Қумри опадан майда-майдалаб пулни олдим ва уни эгасига қайтардик.

Охирги пайтда мен «Тянь-ши»нинг вакилиман деб юрганларнинг бошлиғи билан учрашишга кўп ҳаракат қилдим. Биринчидан, ҳужжатларимни олиб, шулар асосида маъмурий идорага мурожаат қилмоқчи эдим. Ахир менга ўхшаган лақмаларнинг пулидан қачонгача бойлик орттиради булар? Иккинчидан, энг алам қиладигани, пулингни ундириб олгунча атрофингда гирдикапалак бўлишаркану, кейин худди устингдан кулгандек, шахсиятингни ерга уриб, маънан хўрлар эканлар. Агар улар одамларга яхшилик, соғлик иташса, ўн ойлаб сотилмаган дорининг кимга кераги бор дейишмайдими, шунинг орқасидан кимдир моддий, маънавий зарар кўришини истармиди? Қолаверса, 80 минг сўмни фойдасиз дори-дармонларга сарфлаганимнинг алами ҳам бир томон эди.

«Йиллаб сотилмайдиган дориларни одамларга мақташдан мақсад нима? Ишонувчан кишиларни бу қадар лақиллатиб, фақат ўзининг чўнтагини қаппайтирадиган «Тянь-ши»чиларни назорат қиладиган инсон борми?» — деб сўрамоқчи эдим.

Лекин ўша раҳбарни бир куни телефонда топгандек бўлдим. Татьяна Николаевна дейишар экан. У дастлаб икки кун ичида менга қўнғироқ қилиб, учрашув жойини айтишга ваъда қилди. Лекин...

(Охири келгуси сонда).

Гулгун СУЛТОНОВА ёзиб олди

МИЛЛИОНЛАР БАЙРАМИ

YEVRO – 2004

«Евро-2004» давом этмоқда. Фаворитлар ким, Франциями, Италиями ёки Чехия? Энди биз 23 июнга қадар ҳар куни иккита қизиқарли ўйиннинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. 24 июндан бошлаб 27 июнга қадар чорак финал учрашувлари ўтказилади. Бир кунда битта ўйин. Улар ишқибозларга ҳақиқий байрам онларини тақдим этиши шубҳасиз. Кейин икки кун футболни соғинамиз. 30 июн ва 1 июл кунлари ярим финал учрашувлари. Сўнг 4 июлда — финал. Унда иккита энг кучли терма жамоа маҳоратини кўрсатади. 16 та терма жамоадан финалга даъвогарлари кимлар? Тўғри, баъзи жамоаларни фақат финалдаги ғолиблик қизиқтиради. Лекин айримлар учун бу мусобақада қатнашишнинг ўзи катта ютуқ.

Кўпчилик Франсияни асосий фаворит деб ҳисобламоқда. Французлар бунга арзийди албатта. Жамоа бугун муаммолардан холи. Ҳаммаси жойида. Зиддиннинг жамоаси бу мусобақани интизорлик билан кутгандир. Бироқ бир ёзилмаган қоидани унутмаслик лозим. Кўпинча айнан биз кутган жамоалар финалгача етиб боришолмайди.

Иккинчи фаворит италияликлар. Италия футбол борасида ҳар доим фаворит ҳисобланган. Бироқ, айтайлик, Германия даражасида эмас. Бугунга келиб Италия ҳақида бир нарса дейиш қийин. Буффон ажойиб, Тольдо ҳам ёмон эмас. Ҳимоя тизими яхши. Ҳужумчилар орасида Тотти, Виери ва Дель Пьеро каби юлдузлар борлигини унутмаслик керак. Лекин бу гал чемпионлик Италияга насиб қилмаса керак. Ахир Португалия бор. Унинг асосий ютуғи, шубҳасиз, чемпионат мезбони эканлигидир. Ўз уйинг- да эса қуруқ деворлар ҳам сени суяйди! Иккинчидан, жамоага бразилиялик моҳир тренер Сколари устозлик қилмоқда. Икки йил олдин Япония ва Жанубий Кореяда ўтказилган жаҳон чемпионатида Бразилия унинг раҳбарлигида уйга олтин медаллар билан қайт- ганини унутмаган бўлсангиз керак.

Голландияликлардан нимани кутиш мумкин, умуман тушунарсиз. Жамоа тренери ишни ғалати усулда олиб боради. Ўйинчилар билан муносабати ҳам танқидларга сабаб бўлмоқда. Лекин омадлари келиб қолса жамоа 1988 йили эришган муваффақиятини такрорласа ажаб эмас. Эсингизда бўлса, ўша йили ўтказилган Европа чемпионатида Голландия бош совринни қўлга киритган эди.

Давом этамиз. Хўш, Испания жамоаси ишқибозларини нималар кутмоқда? Менга қолса, футбол оламида энг кучли миллий чемпионат эгасини фаворитлар қаторига қўшмасдим ҳам. Сабаби испанлар йирик мусобақаларда катта натижаларга эришишни билмайдилар. Кўпинча фаворит сифатида тан олинсада, ишқибозларининг кайфиятини бузаверишади. Жамоаси гуруҳдан чиқиши мумкин, лекин узоққа бора олмайди.

Футбол ватанида нима гаплар? Англияликлар доимий фаворит. Бироқ жуда омадсиз. Бу гал улар чемпионликни эмас, балки ярим финалгача етиб боришни яхши натижада деб билишмоқда. Лекин гуруҳдан чиқиб олишса ҳам катта гап. Унутмайлик бу гуруҳда Франция бор.

Навбат немисларга. Германияликлар саралаш учрашувларида латвияликлар билан дуранг ўйнаб, руминларга ютқазган бўлса-да, бу натижага таянган ҳолда уларга салбий баҳо бериш хато бўлади. Немисларнинг 2002 йилги жаҳон чемпионатидан олдин ўтказган ўйинларини кузатган киши уларни мусобақанинг вице-чемпиони бўлади деб айта олармиди? Жаҳон чемпионатида улар Европа жамоалари орасида энг юқори ўринни эгаллашди. Хуллас, немислардан ҳар нимани кутиш мумкин.

Шундай қилиб еттита фаворитни кўриб чиқдик. Қолган 9 та жамоа (Россия, Чехия, Греция, Хорватия, Швейцария, Швеция, Дания, Болгария, Латвия) учун гуруҳдан чиқишнинг ўзи катта ютуқ бўлади.

Футболнинг ашаддий ишқибозларига 4 июлгача давом этадиган футбол байрамида қизиқарли ва ранг-баранг ўйинларнинг гувоҳи бўлишни тилаймиз. Ким ғолиб чиқиши муҳим эмас. Тўп думалоқ, майдон текис дейишади.

Жаҳонгир МАХСУМОВ тайёрлади

А гуруҳ	С гуруҳ
Греция	Болгария
Испания	Дания
Португалия	Италия
Россия	Швеция
В гуруҳ	**D гуруҳ**
Англия	Германия
Франция	Голландия
Хорватия	Латвия
Швейцария	Чехия

Учрашувлар ўтказиладиган шаҳар ва стадионлар:

Авейру — Авейру Мунисипал; Брага — Брага Мунисипал; Гимараеш — Афонсу Энрикеш; Коимбра — Коимбра Сити; Лейрия — Магалайш Пессоа; Порту — Бесса, Драгау; Лиссабон — Да Луж, Жозе Альваладе; Фару — Альгарве.

ЎЙИНЛАР ЎТКАЗИЛАДИГАН ВАҚТ ЖАДВАЛИ:

Гуруҳ учрашувлари

16 июн (чоршанба) - А гуруҳи
Греция - Испания (Бесса) Россия - Португалия (Да Луж)

17 июн (пайшанба) - В гуруҳи
Англия - Швейцария (Коимбра Сити) Хорватия - Франция (Магалайш Пессоа)

18 июн (жума) - С гуруҳи
Болгария - Дания (Брага Мунисипал) Италия - Швеция (Драгау)

19 июн (шанба) - D гуруҳи
Латвия - Германия (Бесса) Голландия - Чехия (Авейру Мунисипал)

20 июн (якшанба) - А гуруҳи
Испания - Португалия (Жозе Альваладе) Россия - Греция (Альгарве)

21 июн (душанба) - В гуруҳи
Хорватия - Англия (Да Луж) Швейцария - Франция (Коимбра Сити)

22 июн (сешанба) - С гуруҳи
Италия - Болгария (Афонсу Энрикеш) Дания - Швеция (Бесса)

23 июн (чоршанба) - D гуруҳи
Голландия - Латвия (Брага Мунисипал) Германия - Чехия (Жозе Альваладе)

Чорак финал учрашувлари

24 июн (пайшанба) - 25- ўйин
А гуруҳининг ғолиби - В гуруҳидаги 2-ўрин соҳиби (Да Луж)

25 июн (жума) - 26-ўйин
В гуруҳи ғолиби - А гуруҳидаги 2-ўрин соҳиби (Жозе Альваладе)

26 июн (шанба) - 27-ўйин
С гуруҳи ғолиби - D гуруҳидаги 2-ўрин эгаси (Альгарве)

27 июн (якшанба) - 28-ўйин
D гуруҳи ғолиби - С гурҳидаги 2-ўрин эгаси (Драгау)

Ярим финал учрашувлари

30 июн (чоршанба) - 29- ўйин
25-ўйин ғолиби - 27-ўйин ғолиби (Жозе Альваладе)

1 июл (пайшанба) - 30-ўйин
26-ўйин ғолиби - 28-ўйин ғолиби (Драгау)

Финал

4 июл (якшанба) - 31-ўйин
29-ўйин ғолиби - 30-ўйин ғолиби (Да Луж)

15 июнгача Европа чемпионатида 6 та ўйин бўлиб ўтди.

Португалия — Греция — 1-2
Испания — Россия — 1-0
Швейцария — Хорватия — 0-0
Франция — Англия — 2-1
Дания — Италия — 0-0
Швеция — Болгария — 5-0

Улардан Франция — Англия ўйини жуда узоқ вақт мухлисларнинг ёдидан чиқмаса керак. 90-дақиқагача инглизлар 1-0 ҳисобида олдинда бораётган эди. Ҳакам қўшиб берган 3 дақиқа ичида З.Зидан 2 та тўп киритиб жамоасининг ғалабасини таъминлади.

КЕРАКЛИ ҒАЛАБА

9 июн куни «Пахтакор» марказий стадионига йиғилган ўттиз мингдан зиёд футбол мухлисининг кўз ўнгида миллий терма жамоамиз 2006 йили Германияда бўлиб ўтадиган 18-жаҳон чемпионати биринчи босқич саралаш баҳсларининг 3-турида ажойиб ғалабага эришди.

Учрашув олдидан термамизнинг маслаҳатчи мураббийи Юрген Гёде журналистлар билан бўлган суҳбатда Фаластин термаси аъзоларининг яхши жисмоний тайёргарликка эга эканлигини таъкидлаб, вакилларимизни ҳушёр бўлишга чорлади. Кейинги пайтларда термамизнинг етакчи ҳужумчисига айланган Владимир Шишелов эса Фаластин билан бўладиган ўйинда хеч бўлмаса битта гол уришга сўз берди (ва ваъдасининг устидан чиқди). Фаластинликларнинг бош мураббийи Алфред Ридл эса учрашув фаворити Ўзбекистон бўлишини, лекин гуруҳда Ироқ биринчи ўринни олишини башорат қилди.

Умуман олганда, кўпчилик тахмин қилганидек, ўйин йигитларимизнинг устунлиги остида ўтди. Ҳисоб ҳам шунга яраша: 3:0, бизнинг фойдамизга. Лекин терма жамоамиз ўйинидан мухлисларнинг кўнгли тўлдими? Бизнингча, ҳимоячиларимиз жуда яхши ўйнашди. Ҳужумчиларимиз ҳам ёмон эмас. Ярим ҳимоячиларимиз эса Миржалол Қосимов алмаштирилгунча яхши ўйнади дейиш мумкин. Учала голни ўч амплуа вакиллари киритгани эътиборга молик. Ҳимоячи Ашурматов 7-дақиқада, ҳужумчи Шишелов 41-дақиқада, ярим ҳимоячи Жепаров эса 88-дақиқада гол муаллифлари бўлишди.

Хуллас, ўйин қайсидир жиҳатдан биз учун кўнгилдагидек ўтди. Аммо бу билан хотиржам бўлиш керак эмас. Ҳар ҳолда олдимизда иккинчи давра ўйинлари турибди. Фаластин ва Ироққа қарши сафарда ўйнашимизни ҳисобга олганда терма жамоамизга осон бўлмаслиги аниқ...

Ўша куни гуруҳнинг Иорданияда бўлган яна бир ўйинида Ироқ Хитой Тайпейини мағлуб этди: 6:1.

ЖЧ саралаш ўйинлари биринчи босқич 2-гуруҳида бугунги вазият қуйидагича:

1. Ўзбекистон	3	2	1	0	5-1	7
2. Ироқ	3	1	2	0	8-3	5
3. Фаластин	3	1	1	1	9-4	4
4. Х.Тайпейи	3	0	0	3	1-15	0

Йигитларимизга кейинги ўйинларда муваффақият тилаймиз.

Элмурод НИШОНОВ

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Узбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси прокуратуранинг бўлим бошлиғи Э.Менглиевга акаси

Холиёр бобонинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси мазкур прокуратуранинг бўлим бошлиғи С.Ниёзметовага опаси

Кимё НИЁЗМЕТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ОБУНА — 2004

Муҳтарам газетахонлар!

Мамлакатимизнинг узоқ-яқин, катта-кичик шаҳару қишлоқларида яшаётган азиз ҳамюртлар!

- *Сизнинг ҳуқуқингиз кимлар томонидандир поймол қилиняптими?*
- *Сизга доимий кўмакчи, қонуний манфаатларингизни тиклашга ёрдам берадиган ҳақиқий дўст керакми?*
- *Замонавий дедектив асарлардан баҳраманд бўлишни истайсизми?*

«Huquq»имни билай, ҳаётим «Qonun himoyasida» бўлсин десангиз нашрларимизга обуна бўлинг!

Эслатиб ўтамиз:

Сиз ўқувчиларга қулайлик яратиш ва ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида обуна нархлари аввалгича қолдирилди.

Индексларимиз:

«Huquq» газетаси учун — 231, 232
«Qonun himoyasida» журнали учун — 839, 840

ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

HUQUQ yuridik gazeta

Ta'sischilar: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Abduxoliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati: Bahriddin VALIYEV, Azimjon ERGASHEV, Dilshod ISLOMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (mas'ul kotib), Lola SHOMURODOVA, Hasan INOYATOV, Muxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66.

Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazetaning ro'yxatdan o'tish tartibi: N 023. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 668. 15751 nusxada chop etildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir J.MAXSUMOV
Navbatchi A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 19.30. 1 345678